БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 45 (1049)

4 МАРТ СЕШАНБА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

„Қизил Ўзбекистон" газетасини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Меҳнаткашларни сиёсий руҳда тарбиялашда самарали ишлар қилганлиги, пахтачиликни юксалтириш учун курашда актив қатнашганлиги ҳамда Ўзбекистон ССР ишчилари, колхозчилари ва зиёлиларини коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этганлиги учун газетанинг ўн мингинчи сони чиққанлиги муносабати билан республика газетаси — **«Қизил Ўзбекистон» Меҳнат Қизил Байроқ** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1958 йил 3 март.

КОЛХОЗ ТУЗУМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР САРИ!

Областимиз меҳнаткашлари бутун совет халқи билан биргаликда КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорини ва ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ доклади тезисларини қизғин маъқулламоқдалар

☆ ☆

Ўртоқ Тюпко тажрибасини кенг оммалаштирайлик

Пахтачиликдаги асосий ишларни — экишдан тортиб пахтани териб олишгача бўлган барча процессларни механизациялаш пахтачиликни янада юксалтиришнинг муҳим воситасидир. Бу соҳада Ўрта Осиё машина-синаш станциясининг механиги Ўртоқ Тюпконинг тажрибаси ибратлидир. У, ёлғиз ўзи тегишли машиналар комплексидан фойдаланиб, 25 гектар ерга чигит экиб, ғўза қатор ораларини ишлаган ва ҳар гектар ердан 28,3 центнердан ҳосил етиштирган, бутун пахта ҳосилини машина ёрдами билан териб олган.

Ўртоқ Тюпко участкасида комплекс механизация жорий қилинганлиги туфайли пахтанинг ҳар бир центнерига сарфланаётган меҳнат куни жуда камайтирилган. Ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 76 сўмга тушган. Шу станция билан қўшни бўлган Свердлов номли колхозда эса ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 213 сўмга тушган. Ўртоқ Тюпко ҳар гектар ерга 25,4 ишчи куни сарфлаган бўлса, Свердлов номли колхозда 142 ишчи куни сарфланган. Кўриб турибмизки, пахтачиликни механизациялаш меҳнат унумдорлигини кескин равишда оширишни таъминлаган.

Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчев пахтачиликдаги асосий иш процессларини комплекс механизациялаш масаласи пахтакор республикалар олдида турган биринчи даражали вазифа эканлигини кўрсатди, илғор механик Ўртоқ Тюпко тажрибасини барча колхоз ва совхозларда кенг қўлланиш зарур эканлигини алоҳида уқтирди.

Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши 12-15 йил ичида пахта етиштиришни икки баравар кўпайтириш, мамлакатда ялпи пахта ҳосилини 9-10 миллион тоннага етказиш вазифасини қўйди. Жумладан, республикамизда 1965 йилга бориб пахтанинг ялпи ҳосилини 4 миллион тоннага етказиш зарур. Бу йил республикамиз, шу жумладан областимиз бўйича 20 центнердан кам ҳосил олган бирорта колхоз ва совхоз қолмаслиги керак. Бу муҳим ва шарафли вазифани пахтачиликни комплекс механизациялаштирмасдан туриб муваффақиятли ҳал қилиш мумкин эмас.

Механизация—пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришнинг гаровидир. Баъзи бир район, колхоз ва совхоз раҳбарлари бу муҳим масалага панжа орасидан қараб келмоқдалар. Улар кетмондан ҳалигача воз кечкилари келмаётир. Улар колхозларда меҳнат куни салмоқдор бўлиб қолди, колхозчилар кетмон билан ишлаб кўпроқ меҳнат куни олаберсинлар деган кайфиятда юрибдилар. Уларнинг айтишларича кетмон бўлмаса колхозчиларнинг ҳаммасига иш топилмай қолар эмиш, колхозчиларнинг меҳнат куни камаяр эмиш ва бинобарин, уларнинг иш ҳақи камаяр эмиш. Бу нотўғридир. Бундай кайфиятга қатъий зарба бермоқ керак.

Ҳозирги кунда областимиз колхоз ва совхоз далаларида кўклам экиш кампаниясига қизғин тайёргарлик ишлари бормоқда. Колхозчилар, механизаторлар, совхоз ишчилари пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида қабул қилинган мажбуриятларни амалга ошириш учун бутун ижодий куч ва ғайратларини сафарбар этмоқдалар. КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлаб, ўз ишларини ташкилотларимиз, колхоз ва совхозларда амалга оширишлари лозим. Шундагина пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида олган мажбуриятларимизни — 2-3 йил ичида ғўзани механизмлар ёрдами билан етиштиришга тамомила кўчиш вазифасини муваффақият билан бажаришимиз мумкин.

Суратда: Калинин районидаги Ворошилов номли колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Акбархўжа Қодир хўжаев** колхозчиларга ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Совети сессиясида «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш» тўғрисида қиладиган доклади тезисларини ўқиб бермоқда.

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотоси.

ОҚИЛОНА ҚАРОР

Биз меҳнаткаш деҳқонлар КПСС Марказий Комитети Февраль Пленумининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорини ҳаяжонланиб ва қувониб кутиб олдик. Бизнинг ҳар биримиз колхозларнинг янада зўр бериб ўсиши, уларнинг жамоат хўжалиги зўр бериб ривожланиши тўғрисида фикр юритмоқдамиз.

Мен 1935 йилни хотирлайман. Ўшанда мени «Шарқ юлдузи» колхозига раис қилиб сайлашган эди. Бу колхоз эндигина қаддини ростлаб келаётган кичкинагина, камқувват колхоз эди. Артель бор йўғи 220 гектар ерга чигит экар эди. Фермаларда 110 бош мол бор эди.

Жамоат хўжалиги йил сайин ўсиб, мустаҳкамланиб борди. Колхоз КПСС Марказий Комитетининг 1953 йилги Сентябрь Пленуми тарихий қарорларидан кейин айниқса тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Ҳозирги вақтда колхоз 1304 гектар ерга пахта экмоқда, фермаларида 12 минг бош моли бор. Артелнинг даромади 16 миллион сўмдан ошиб кетди. Колхознинг учта етти йиллик, битта ўн йиллик мактаби, туғуруқхонаси, касалхонаси, участка фельдшерлик пунктлари бор. Артель аъзоларининг кучи билан трактор парки учун бинолар, механизациялаштирилган сигирхона, отхона, шунингдек кучли радиоузель қурилган, беш километрлик водопровод ўтказилган.

Ҳозирги вақтда колхоз ишлаб чиқаришини кескин юксалтирмоқ учун ҳамма имкониятлар вужудга келтирилган. Унумдор ерларимиз, ғўзани суғориш учун сувимиз бор. Бусиз Ўзбекистонда пахта етиштириб бўлмайди. Колхознинг биргина мулки—зарур кучли машиналари йўқ эди, холос. Сув, ер ва техника бир қўлда бўлишини ҳаётнинг ўзи тақоза этмоқда.

МТСлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ижобий роль ўйнади. Бироқ ҳозирги пайтда бир ерда икки хўжайин — МТС ва колхознинг бўлиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга ғов бўлмоқда. Машина трактор станцияларини қайта ташкил этиш юзасидан партия белгилаётган тадбирлар мутлақо ўз вақтида кўрилаётган тадбирлардир.

Ҳозирги вақтда техника машина трактор станциялар қўлида бўлганлиги учун колхоз правлениеси аслини олганда бу техникадан ўз ҳоҳишича фойдаланиш имкониятига эга эмас, шунинг учун кўп ишлар кечиктириб ва сифатсиз бажарилади. Кўпинча шундай бўлади: далада колхознинг бирон кишиси туриб тракторнинг ишини кузатиб боргандагина иш юқори сифатли бажарилади. Ўша назоратчи кетиши биланоқ механизатор (агар у ишёқмас бўлса) ерни чала ҳайдай бошлайди, культивацияни юқори тезликда олиб боради. Бунинг натижасида кўп ғўзалар қирқилиб кетади ва агротехниканинг бошқа қоидалари бузилишига йўл қўйилади. Шундай қилиб давлат пахтакорларни таъминлаб қўйган бой техникадан тўла-тўкис фойдаланилмайди.

Тажриба тариқасида ўтган йили бизга МТС тракторлари ижорага бериб қўйилди. Бундан қандай натижалар олинди?

Бизнинг артелимизга хизмат қилаётган Октябрь МТСи кейинги беш йил мобайнида трактор ишлари планини бир марта ҳам бажармаган ва айниқса энг муҳим ишлар кўплаб бажарилмай қолган бўлса, 1957 йилда трактора қилиниши зарур бўлган барча ишлар ўз вақтида ва юқори сифатли бажарилди. Илғорилари механизаторлар тракторга алоқаси йўқ ишларда бир йилда атиги бир неча ўнта меҳнат куни ишлаган бўлсалар, 1957 йилда улар бундай ишларда 5160 меҳнат куни ишладилар. Кўриниб турибдики, тракторчилар трактор ишидан бўшаган пайтларида ҳам колхоз ишлаб чиқаришида актив қатнашдидар.

Колхоз территориясида тоза сув запасига эга бўлган кўл бор. Ерга МТС ва колхоз хўжайинлик қилган пайтларда биз ана шу сувни далага сира ҳам чиқара олмаган эдик. Ўтган йили эса колхоз тракторларни ўзи бошқара бошлаши биланоқ биз сув чиқарадиган 11 та насос ўрнатдик. Суғоришни яхшироқ ташкил этиш имконияти туғилди. Бундан давлат ҳам, колхоз ҳам фойда кўрди.

Бу ишнинг яна бир муҳим томонини айтиб ўтмоқчиман. Ўтган йили тракторларни сақлашга бўладиган чиқимлар анча камайди. Агар 1956 йилда Октябрь МТСи бир гектар ердаги трактор ишларининг таннархи планга кўра 28 сўм 80 тийин бўлишига қарамай 44 сўм 79 тийин сарфлаган бўлса, 1957 йилда бир гектар ердаги трактор ишлари 27 сўм 69 тийинга тушди.

Квадрат-уялаб чигит экиш усули бизга катта истиқбол очиб беради. Колхоз зарур машиналарга эга бўладиган янги шароитда бу усул Ўзбекистон пахта далаларида янада кенгроқ миқёсда жорий этилади.

Бизнинг колхозимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш манфаатлари йўлида тракторлардан рационалроқ фойдаланиш мақсадида тракторларни ҳурсандлик билан сотиб олади. Сотиб олинадиган машиналарнинг қимматини биз ҳам ва бошқа илғор колхозлар ҳам бир йилда тўлашимиз табиийдир.

Колхозчилар КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорини чин кўнгилдан қутламоқдалар.

Ҳ. ТУРСУНҚУЛОВ.

Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси.

Ўзбекистон ССР.

(«Правда» 3 март).

Техникадан унумли ва ўз ўрнида фойдаланамиз

— Партиямиз Марказий Комитетининг февраль Пленуми қарори ғоят катта аҳамиятга эга бўлган ва ўз вақтида кўрилган муҳим тадбирдир, — дейди Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг раиси Ўртоқ Абдуназир Турдиев, — колхозчиларимиз бу қарорни қизғин маъқулламоқдалар. МТСларнинг қайта ташкил этилиши ва тракторларнинг колхозларга сотилиши қишлоқ хўжалигининг саноат билан алоқасини янада мустаҳкамлайди. Хўжаликни комплекс ривожлантириш имконияти туғилади.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, бизнинг колхоз ҳам бошқа колхозлар каби кейинги йилларда хўжалиги мустаҳкамланиб ўсди. Эндиликда техникадан унумли фойдаланиш бизнинг ўсиб бораётган талабларимизни қондиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Колхозимиз тракторни сотиб олганда ана шундай имкониятга эга бўламиз.

Бизда 50 дан ортиқ тракторчи бор. Бироқ бу тракторчиларнинг кўпчилиги фақат мавсумдагина ишлаб, бошқа вақтларда бекор юрарилар. Техникадан фойдаланиш колхознинг ўз ихтиёрига топширилганида эса, бу механизаторлардан йилнинг ҳамма фаслида ҳам бирдек фойдаланиш мумкин бўлади. Ўтган йили биз МТСга 1,5 миллион сўм миқдорида натура ҳақи тўладик. Техника ўзимизда бўлганида эди, бунчалик кўп харажат қилинмас эди.

Алоқамиз мустаҳкамланади

«Ташсельмаш» заводининг меҳнатсевар ишчилари ва инженер-техник ходимлари қишлоқ хўжалиги учун хилма-хил машиналар ҳамда кўплаб запас қисмлар ишлаб чиқаришни шу кунларда айниқса авж олдириб юбордилар. Машинасозлар чигит экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўраётган пахтакорларга тракторлар, ер текислаш машиналари, сеялкалар ва бошқа хил агрегатларни кетма-кет жўнатаётирлар.

Колхозларни мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада юксалтириш мақсадида КПСС Марказий Комитети Пленумининг яқинда қабул қилган тарихий қарори машинасозларнинг қувончига-қувонч қўшди.

— Жонажон партиямизнинг янги тадбири биз ишчилар ҳамда дўстимиз, деҳқонларнинг ҳис-туйғуларини, истакларини тўла ифода этади, — дейди 17-механика цехининг илғор токари Мутал Аширматов. — Колхозчилар биз яратаётган техникадан бевосита ўзлари фойдаланишсалар, уларнинг меҳнат унумдорлиги ҳам баланд бўлади, шунингдек саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш-техника тажрибаларини қишлоқ хўжалиги ходимларига яқинлаштиришда муҳим омил бўлади. Корхонамиз ҳозирги вақтда пахта машинасозларнинг қувончигақувонч қўшди.

— Жонажон партиямизнинг янги тадбири биз ишчилар ҳамда дўстимиз, деҳқонларнинг ҳис-туйғуларини, истакларини тўла ифода этади, — дейди 17-механика цехининг илғор токари Мутал Аширматов. — Колхозчилар биз яратаётган техникадан бевосита ўзлари фойдаланишсалар, уларнинг меҳнат унумдорлиги ҳам баланд бўлади, шунингдек саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш-техника тажрибаларини қишлоқ хўжалиги ходимларига яқинлаштиришда муҳим омил бўлади. Корхонамиз ҳозирги вақтда пахта қатор ораларини ишлашга мослаштирилган ДТ-24-3 маркали тракторларни кўплаб ишлаб чиқараётир. МТСлар қайта ташкил этилгач, колхозчилар биздан ана шу машиналарни бевосита сотиб олаберадилар. Бу, ўзаро алоқамизни янада кенгайтиради ва мустаҳкамлайди.

Завод ишчилари КПСС Марказий Комитетининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида чиқарган муҳим қарорини зўр қизиқиш билан ўқимоқдалар ҳамда ўзларининг қимматли таклифларини, фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашмоқдалар.

☆ ☆

ВЛКСМ Марказий Комитетида

ВЛКСМ Марказий Комитети ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги доклади тезисларини муҳокама қилишда комсомол ташкилотларининг иштироки тўғрисида қарор қабул қилди.

ВЛКСМ Марказий Комитети комсомол аъзоларини, бутун комсомол активини колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш ҳақидаги таклифларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқишда актив қатнашишга чақирди.

Район, шаҳар, область, ўлка комсомол комитетлари, иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетлари ва комсомол ташкилотлари комсомол ва ёшларни «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги доклад тезислари билан кенг таништиришлари, бригадаларда, бўлимларда, фермаларда, участкаларда, умумий ётоқхоналарда доклад тезисларини ўқиш ва муҳокама қилишни ташкил этишлари, яккаякка суҳбат ўтказишлари, ҳар бир йигит ва қизни бу ишга жалб этишлари лозим. ВЛКСМ Марказий Комитети комсомол ташкилотларига комсомол сиёсий тўгараклари ва сиёсий мактабларида ёшларни ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезислари билан таништириш ва бу тезисларни муҳокама қилишни уюштиришни тавсия этди.

Комсомол ташкилотлари меҳнаткашларнинг ана шу тезислар муҳокама қилинадиган йиғилишларида ҳам актив қатнашишлари керак.

ВЛКСМ Марказий Комитети комсомол ва ёшларни Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезислари билан таништириб чиққандан кейин шу масала юзасидан комсомолларнинг очиқ мажлисларини ўтказишни тавсия этди. Комсомоллар ва ёшлар қилган таклифларни умумлаштириш ва комсомол комитетларига, шунингдек партия ташкилотларига топшириш зарур.

ВЛКСМ Марказий Комитети барча комсомол ходимларига ва активларга Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади тезисларини комсомол ва ёшларга тушунтиришда, шу масала юзасидан комсомол йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва бу йиғилишларни ўтказишда шахсан иштирок қилишни топширди.

ВЛКСМ Маказий Комитетининг қарорида бундай дейилади: Ёшлар газеталари ва журналлари «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги доклад тезислари ёшлар ўртасида қандай муҳокама қилинаётганлигини ўз саҳифаларида кенг ёритишлари лозим.

Тракторларни сотиб олишга тайёрмиз

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги қарорини областимизнинг колхозчилари зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Жойларда бу қарор қизғин муҳокама қилинаётир.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг бу қарори бизнинг колхоз аъзоларини ҳам ғоят қувонтириб юборди. Ҳақиқатан ҳам эндиликда трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини колхоз ихтиёрига ўтказишнинг вақти келди. Шундай қилинса, ишнинг суръати кучаяди, сифати яхшиланади. Колхозимиз тажрибасидан бир мисол келтираман. Зарур бир иш билан тракторчига мурожаат қилганимизда, у бу ишга тўғридан-тўғри ботина олмас, аввал МТС билан маслаҳатлашиб олиб, сўнгра колхоз раисининг буйруғини адо этишга киришар эди. Бу орада вақт ўтади, иш кечикади. Тракторлар колхозники бўлганида эса, бундай оворагарчилик тугатилади, иккинчидан, техникадан ўз вақтида ва ҳар тарафлама унумли фойдаланиш учун шароит яратилади. Иқтисодий жиҳатдан келадиган фойдани айтмайсизми. Ўтган йили бизнинг колхоз МТСга жуда кўп миқдорда натура ҳақи тўлади. Биз Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладини активлар, оддий колхозчилар билан биргаликда муҳокама қилиб чиқаётиб, шундай хулосага келаётирмизки, тракторлар колхозники бўлса, бу йил ўтган йилдагига қараганда анча кам миқдорда натура ҳақи тўланар экан.

Колхозимизда хизмат қилаётган механизаторларнинг деярли барчаси маҳаллий кадрлар ҳисобланади. Тракторларни сотиб олгач, бизнинг улар билан алоқамиз янада мустаҳкамланади ва ишимиз ҳар қачонгидан ҳам юришиб кетади. Шунинг учун ҳам колхозчиларимиз, бу тадбир ўз вақтида ўртага ташланган демоқдалар. Биз тракторларни сотиб олишга тайёрмиз.

Колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қароридан руҳланиб, пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган кенгаши тадбирларига амал қилиб, дала ишларини кун сайин кучайтирмоқдалар. 1958 йилда ўтган йилдагидан анча кўп миқдорда пахта ҳосили етиштириш учун курашаётирлар.

Т. ҒУЛОМОВ.

Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхознинг раиси.

Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда янги давр

Оржоникидзе районининг колхозчилари ва механизаторлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг «Колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг бу масала юзасидан СССР Олий Совети сессиясида қиладиган доклади тезисларини кенг муҳокама қилмоқдалар ва қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

Район колхозларининг хўжалиги кейинги йилларда беқиёс юксалди. Улар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасида олга қараб катта қадам қўйдилар. Бинобарин уларнинг хўжаликлари олаётган даромадлари ҳам кўп даражада ошди.

Район партия комитетининг секретари Ўртоқ К. Тошпўлатова шу ҳақда гапириб, бундай деди:

— Район колхозлари ўтган йили хўжаликдан 108 миллион сўмдан ортиқ даромад олдилар. Уларнинг бўлинмас фондидаги маблағлари бирнеча миллион сўмни ташкил этади. Бу колхозларга ўзларига керакли миқдордаги зарур техникани сотиб олиш имконини беради. Шу жиҳатдан қараганда КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори жуда тўғри ва колхозларнинг ҳозирги имкониятини тўла ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган қарордир. Бундан сўнг техникадан рационал фойдаланишда шу чоққача йўл қўйиб келинган хўжасизликка барҳам берилади. Шу туфайли районимиз колхозчилари ва механизаторлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори ва Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезисларини якдиллик билан маъқулламоқдалар. Колхозларда ҳозирнинг ўзидаёқ қайси турдаги ва қанча қишлоқ хўжалик машинасини сотиб олиш тадбирлари белгиланмоқда.

— Колхозимиз, — дейди Хрушчев номли колхознинг раиси Ўртоқ Муҳсинов, — ўтган йили хўжаликдан 14 миллион сўмдан ортиқ даромад олди. Бўлинмас фондда бир миллион сўмдан ортиқ пулимиз бор. Биз ўтган йиллари ҳам давлатдан бир қатор қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини сотиб олган эдик. Эндиликда эса ўзимизга керакли барча трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олишга қодирмиз.

Марказий Комитет Пленумининг қарори колхозлар билан давлат, колхозчи деҳқонлар билан ишчилар синфи ўртасидаги алоқани янада мустаҳкамлайди. Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини юксалтиришда янги даврни бошлаб беради.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Тошкент Совнархозининг делегацияси Киевга жўнаб кетди

Тошкент ва Киев маъмурий-иқтисодий районларининг меҳнаткашлари ўртасидаги ижодий ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда Тошкент Халқ хўжалик кенгашининг делегацияси Киевга жўнаб кетди. Делегацияга Тошкент Совнархози раисининг ўринбосари Ўртоқ Шчербаков раҳбарлик қилмоқда. Делегация составида «Ташкентканель» заводининг мастери Розиқов, Янгийўл ғўшт комбинатининг директори Жумабоев, Тошкент экскаватор заводи цех бошлиғининг ўринбосари Пильченко, Тошкентдаги 1-тикув заводининг мастери Зияхўжаев ва бошқа ўртоқлар бор.

Тошкент Совнархози делегациясининг аъзолари Киев иқтисодий-маъмурий райони саноат корхоналари коллективларининг 1958 йил топшириғини муддатидан илгари бажариш юзасидан қилинадиган ишларга бағишланган актив йиғилишида иштирок этадилар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан учрашадилар, корхоналарда янги техника ҳамда прогрессив технологиянинг жорий қилиниши билан танишадилар, шунингдек ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Ўзбекистон комсомолининг XVI съезди

3 март куни Тошкентда, А. Навоий номидаги Ўзбек давлат опера ва балет театри биносида Ўзбекистон комсомолининг XVI съезди ўз ишини бошлади.

Съездни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев очди.

Съезднинг президиуми сайланади. Президиум составида республика ёшларининг энг яхши вакиллари — саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари, комсомол ташкилотларининг ходимлари бор. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Камолов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси М. З. Мирзаахмедов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари Р. Е. Мельников, М. А. Абдураззоқов, Г. А. Габриельянц, З. Р. Раҳимбобоева, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. Н. Аксёнов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ғ. Ғуломов, А. Н. Рудин, Ё. С. Насриддинова, М. В. Муҳаммаджонов, Туркистон Ҳарбий Округи қўшинларининг қўмондони И. И. Федюнинский, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Нуритдинов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Хўжаев, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари Қ. Муртазоев, Б. Ф. Антонов, М. Иброҳимов, Б. Мирахмедова, А. Акрамов ва партия, совет ва жамоат ташкилотларининг бошқа раҳбарлари президиум столидан жой оладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг состави баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

Съезднинг мандат ва таҳрир комиссиялари, секретариат сайланади, кун тартиби тасдиқланади.

Республика ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. Муртазоевга Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисобот докладини қилиш учун сўз берилади.

Докладчи таъкидлайдики, Ўзбекистон комсомолининг XVI съезди бутун совет халқи КПСС XX съезди томонидан қўйилган тарихий вазифаларни бажариш учун кураш олиб бораётган шароитда ўтмоқда. Мамлакатимиз меҳнаткашларининг социалистик қурилишнинг барча участкаларида қўлга киритган ютуқларида совет ёшларининг жанговар авангарди бўлган Ленин комсомолининг роли каттадир. Ўзбекистон комсомоллари ва ёшлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно сиёсатини актив амалга ошира бориб, республика халқ хўжалигини янада юксалтириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ўзбекистон ёш ватанпарварлари томонидан кўрсатилган шонли қаҳрамонликлар орасида уларнинг Оҳангарон ва Шаргун кўмир корхоналарини қуриш, Мирзачўл ва Марказий Фарғонадаги қўрик ерларни ўзлаштириш, пахта ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин даражада кўпайтириш, қардош Қозоғистоннинг қўриқ ерларида ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш ишларидаги иштироки фахрли ўрин олиб туради.

Республикадаги саноат корхоналари комсомол ташкилотларининг ташаббуси билан ёшлар ўртасида хомашё, ёқилғи, электр қувватини тежаш учун, техникага яхши муносабатда бўлиш учун, ишлаб чиқаришнинг ички резервларини қидириб топиш ва улардан максимал фойдаланиш учун кураш ҳаракати кенгайди. Ёш ишчилар ҳозиргача Бутуниттифоқ комсомол фондига 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ топширдилар.

Саноат корхоналаридаги комсомол ташкилотлари рационализация ва пахтачилик масалаларига катта эътибор берадиган бўлиб қолдилар. ВЛКСМ Марказий Комитети томонидан ёш новаторлар ўртасида ўтказилган конкурс даврида республикада уч мингтадан ортиқ рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари тошширилди. Бу таклифлардан ярмидан кўпроқ қисми ҳозирдаёқ ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Бунинг натижасида йил давомида 4 миллион сўмдан ортиқ маблағ тежалди.

Комсомол ташкилотларининг жанговар қобилияти ўсганлиги, уларнинг техника тараққиёти учун курашдаги роли ошганлиги улар олдига янги, янада мураккаброқ вазифалар қўйиш имкониятини бермоқда. Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети, — дейди докладчи, — Оҳангарон ГРЭСи, нефтни қайта ишлаш Фарғона заводи, Оҳангарон, Бекобод ва Қувасой цемент заводлари қурилишини комсомолнинг ударник қурилишлари деб эълон қилиш ҳақидаги таклифни съезд муҳокамасига киритади. Фарғона водиси, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд областларининг комсомол ташкилотлари уларни оталиққа олишлари, уларни муваффақият билан қуриб битиришга ёрдам беришлари зарур.

Пахта учун кураш республика комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 2 йилдан буён пахта тайёрлаш планини сурункасига муваффақият билан ада этаётганликларида ёш пахтакорларнинг роли каттадир. Улардан 27 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди, қишлоқ хўжалигининг илғорлари бўлган юзлаб комсомол ва ёшлар Совет Иттифоқининг орденлари ва медаллари билан мукофотланди.

Республика комсомоли Ўзбекистон партия ташкилотининг топшириғи билан чигитни квадрат-уялаб экиш учун кадрлар тайёрлаш, ёшларни квадрат-уялаб экилган ғўзани етиштиришдан иборат илғор агротехникага ўргатиш юзасидан катта ишлар қилди. 1955-1957 йилларда 120 мингдан ортиқ йигит ва қизлар механизаторлар курсларини битириб чиқди. Натижада ўтган йили комсомол ёшларидан иборат 4 мингтага яқин агрегат ташкил этилди. Республика комсомол ташкилотлари маҳаллий ўғитлар тайёрлаш ва уларни далага ташиб чиқариш юзасидан республика комсомол ойлиги ўтказилиши тўғрисидаги таклифни съезд муҳокамасига киритади.

Ўзбекистон ёшлари сут, гўшт ва ёғ етиштиришни кўпайтириш соҳасида кўпгина ишлар қилдилар.

Докладда ёшларни хўжалик қурилишига қатнаштиришга жалб этиш ишида комсомол ташкилотлари томонидан йўл қўйилган жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Кўпгина комсомол комитетлари корхоналарда, колхозларда ва совхозларда чинакам социалистик мусобақани ташкил эта олмадилар, меҳнат интизомини бузиш, брак маҳсулот чиқариш, давлат планларини бажаришни барбод қилиш ҳолларига бепарволик билан қарамоқдалар. Пахта териш техникасини ўзлаштириш иши ҳали комсомолнинг жанговар иши бўлганича йўқ.

Докладчи идеология ишлари масаласига ўтиб, партия XX съезднинг қарорлари бу ишни янада жанговар ва конкрет қилишда, уни турмуш билан мустаҳкамроқ боғлашда республика комсомол ташкилотларига ёрдам берганлигини таъкидлади. Ёшларни халқлар дўстлиги руҳида, марксча-ленинча пролетар интернационализми принципларида тарбиялаш учун кўпгина ишлар қилинди. Ҳозир республикада 180 мингга яқин йигит ва қизлар сиёсий маорифнинг турли формаларига жалб қилинган.

Докладчи таъкидлайдики, ўтган йилда ўтказилган ёшларнинг область ва республика фестивалларида оммавий-сиёсий ишларни жонлантиришда катта роль ўйнади.

Докладчи республика комсомол ташкилотлари томонидан ёшларни физкультура - спорт жиҳатидан тайёрлаш соҳасида қилинган ишлар тўғрисида гапириб, яқин 2 йил ичида Ўзбекистоннинг ҳамма район марказларида стадионлар қуриш, катта колхозларда эса комплекс спорт майдончалари қуриш зарурлигини кўрсатади.

Республикада мактаблар, техникумлар ва олий ўқув юртлари тармоғи йил сайин ўсмоқда. Ҳозир мактабларда 182 минг комсомолга эга бўлган 3640 та бошланғич комсомол ташкилотлари иш олиб бормоқда. Пионер дружиналари 700 мингга яқин ёш ленинчиларни бирлаштиради.

Ўзбекистондаги институтлар ва техникумлардаги студентларнинг сони ҳозир 100 минг кишидан ортади. Кўпгина ўқув юртларининг комсомол ташкилотлари студентларни идеология жиҳатидан тарбиялаш ишларини анча яхшиладилар. Лекин бу ишлаги формализм ҳали тугатилгани йўқ.

Докладчи комсомолнинг идеология ва ташкилий ишларидаги катта камчиликларини муфассал анализ қилади. У, жумладан, айрим комсомол ходимларининг иш услуби ва методини танқид қилиб, кадрларни пастдан юқорига кўтариш ва тарбиялашга эътиборни кучайтириш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтади.

Ҳозир Ўзбекистон комсомоли ўз сафларида 584 минг кишини бирлаштиради. Бошланғич комсомол ташкилотларининг сони кўпайди. Улар катта ва масъулиятли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган йирик коллективларга айланди. Докладчи сўзининг охирида айтадики, Коммунистик партия тезарагида яна да мустаҳкамроқ жипслашган Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларнинг кучини республиканинг хўжалик ва маданий қурилиши янги муваффақиятларга эришишга сафарбар этишда Ўзбекистон партия ташкилотининг бундан буён ҳам ишончли ёрдамчиси ва резерви бўлади.

Сўнгра ревизия комиссиясининг доклади тингланди. Бу ҳақда шу комиссиянинг раиси М. Я. Буреш доклад қилди.

Съезднинг биринчи мажлисида докладлар юзасидан музокаралар бошланди. Делегатлар ўз сўзларида республика комсомоллари ва барча ёшларининг КПСС XX съезднинг тарихий қарорларини муваффақият билан амалга ошириш учун фидокорона кураш олиб бораётганликлари тўғрисида гапириб бермоқдалар, ташкилий ва сиёсий тарбиявий ишларда тўпланган тажрибаларни ўртоқлашмоқдалар, комсомол ташкилотларининг ҳамда унинг раҳбар органларининг ишларидаги мавжуд камчиликларни очиб ташламоқдалар.

Ўзпромсовет профтехника мактабининг вакиллари ёш чеварлар томонидан миллий гуллар солиб тўқилган гиламни съездга совға қилиб топширдилар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ЛКСМ XVI съездининг мажлислар залида. В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

Кўкламги экишга ҳамма нарса тахт қилинсин!

☆

Яхши тадбир

Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ Кенгаши томонидан қабул қилинган мажбуриятга жавобан Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз аъзолари фойдаланилмаётган жарлик ва ноқулай ерларни ўзлаштириш, уни яроқли ҳолга келтириш, шу ерлар ҳисобига пахта майдонини кенгайтириш, колхозда меҳнатни тежаб сарфлаш, айниқса маъмурий-хўжалик аппаратига сарф этиладиган меҳнат кунларини анча қисқартириш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Шу мақсадда колхоздаги жар ёқаларидаги ноқулай ерлардан 15 гектари текисланиб ўзлаштирилди ва бу ерлар 4, 5-пахтачилик бригадаларига қўшиб берилди. Янги ўзлаштирилган пахта майдонлари чигит экишга тайёрланди. Колхоз правлениеси бу ерлардан 1958 йилда 525 центнер пахта ҳосили ва қариб 184 минг сўм даромад олишни мўлжалламоқда.

Бундан ташқари колхозда маъмурий-хўжалик аппаратига сарф этиладиган харажатларни қисқартириш тадбирлари кўрилаётир. Колхоз правлениеси 1958 йилда 1957 йилга нисбатан маъмурий-хўжалик аппаратига 5856 та меҳнат кам сарфлашга қарор қилди. Бу маъмурий-хўжалик аппаратга сарфланадиган меҳнатни анча камайтириш, маъмурий-хўжалик аппаратида ишловчилардан 7 кишини бошқа ишга кўчириш йўли билан амалга оширилади. Натижада колхоз бир йилда қариб 147 минг сўм иқтисод қилиб қолади.

А. ПИРМАТОВ.



Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида бу йил бир неча юз гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилади. Шу мақсадда колхозда тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди. Квадрат-уялаб чигит экувчи экипаж аъзолари билан амалий машғулотлар ўтказилаётир. Су ратда: машғулот пайти.

П. Ковалов фотоси.

50 центнер учун

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ж. Умарова бошлиқ бригада аъзолари сайловолди социалистик мусобақасига қўшилиб, кўкламга тайёргарликни ҳар тарафлама кучайтириб юбордилар. Бригада аъзолари пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Кенгаши тадбирларига амал қилиб, бу йил ҳар гектар ердан камида 50 центнердан пахта етказиб бериш учун курашаётирлар.

Бригаданинг 52 гектар пахта майдони йилнинг бошларидаёқ сифатли шудгор қилинган, колхозчилар шу кунларда далага гўнг ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, ер текислаш ишларини бир-бирига боғлаб олиб бориб, яхши натижаларга эришаётирлар.

Ҳозирга қадар 120 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит тўпланиб дала бошларига ташиб чиқарилди ва махсус чуқурликларга кўмилиб, чиритиб қўйилди.

Чиноз районидаги «ЎзССР 30 йиллиги» колхозининг бу илғор далачилик бригадаси аъзоларидан намуна олган колхознинг бошқа бригадалари ҳам ғанимат кундардан унумли фойдаланиб кўкламга ҳамма нарсани тахт қилиб қўйиш учун курашаётирлар.

Ў. КАРИМОВ.

Кўклам тараддуди кучайтирилмоқда

Сирдарё районидаги Сталин номли ва «Правда» колхоз аъзолари пахтакорларнинг Бутуниттифоқ Кенгашида қабул қилинган Мажбуриятларга жавобан кўклам экиш кампаниясига тайёрлик ишларини кунданкунга қизитиб юбормоқдалар. Бу колхоз аъзолари ўтган йили қўлга киритилган ютуқларини мустаҳкамлаб қолиш, 1958 йилда пахта ҳосилини яна ошириш, пахта майдонларини бўз ерлар ҳисобига кенгайтириш, кўкламни тўла тайёрлик кўрган ҳолда намунали кутиб олиш учун астойдил курашмоқдалар.

1957 йилда Сталин номли колхоз аъзолари 900 гектар пахта майдонийнг ҳар гектаридан 31 центнер ўрнига 33,2 центнердан ҳосил олиб планни 106 процент қилиб бажарган эдилар. Бу йил улар пахта майдонини яна 50 гектарга кенгайтириб 950 гектарга етказдилар ва ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун ўз зиммаларига социалистик мажбурият олдилар.

Колхознинг М. Ботиров бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили 70 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 43 центнердан, Э. Примқулов бригадаси 50 центнердан ҳосил олган эдилар. Улар бу йил ҳосилни янада ошириш тадбирларини кўрмоқдалар.

Колхозчилар ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун ҳозиргача 700 тонна гўнг тўплаб чуқурларга кўмиб қўйдилар. 900 тонна минерал ўғитни ва ҳашоратга қарши ишлатиладиган заҳарли дориворларни колхозга ташиб олдилар.

950 гектар пахта майдони шудгор қилиб қўйилган. 200 гектар пахта майдони ва 200 гектар беда-пояга яхоб берилди. 300 гектар ердаги беда-поя борона қилинди. 40 гектар ерга янгидан беда экилди. Колхозларга барча қишлоқ хўжалик асбоблари ремонтдан чиқарилди.

Шу кунларда колхозчилар ҳозиргача сув оқиб турган ариқ-зовурларни тозалаш, карта четларидаги ҳайдалмай қолган ерларни чопиш ва текислаш, далага гўнг чиқариш ишларини бажармоқдалар.

Колхоз бу йил 500 гектар пахта майдонига 50х50 схемаси билан квадрат-уялаб чигит экишни планлаштирган. Шу кунларда механизаторлар ва квадрат-уялаб чигит экиш агрегатида ишловчилар билан назарий ва амалий машғулотлар ўтказилаётир.

«Малиқ» совхозининг ўртоқ О. Қозоқов бошлиқ бўлими ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажара олмаган эди. Бу йил бўлим ишчилари ўтган йил йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорламаслик учун тайёргарлик ишларини намунали ўтказмоқдалар. 800 гектар пахта майдони тўла шудгор қилиб қўйилган. Бўлимга қарашли ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Гўнг тайёрлаш, ер текислаш, карта четларини чопиш ишлари қизитиб юборилди.

Райондаги «Победа» колхози аъзолари ҳам кўклам экиш кампаниясига тайёрлик ишларини қизитиб юбордилар. Колхозда 400 гектар пахта майдони аллақачон шудгор қилиб қўйилган эди. Ҳозир колхозчилар ҳар гектар ерга 8-10 тоннадан чамалаб маҳаллий ўғит тўплаш учун курашиб 3 минг тонна гўнг тайёрладилар. Шундан учдан бир қисми далага ташиб чиқарилди.

Маҳаллий ўғит тўплашда колхознинг ўртоқ Ш. Муллаев бошлиқ бригада аъзолари олдинда бормоқдалар. Улар ўтган йили ҳар гектар ерга 6-8 тоннадан гўнг солиб пахта ҳосилини илгариги йиллардагига қараганда 4,5 центнердан оширишга эришган эдилар. Шунинг учун улар бу йил ҳам маҳаллий ўғит тайёрлашга катта эътибор бериб, 600 тонна гўнг тайёрладилар.

Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олиш учун бел боғлаган «Правда» колхозининг аъзолари ҳам бошқа колхозлар сингари кўклам экин кампаниясини пухта тайёрлик билан кутиб олиш учун астойдил курашмоқдалар.

Я. ҒОЙИПОВ,
А. ҚУЧҚОРОВ;
Ч. ИЛЁСОВ.

1958 йилда ҳам чорва маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун

(Мухбирлар хатига обзор)

Аҳоли жон бошига чорва маҳсулотлари етиштиришда яқин йиллар ичида АҚШга етиб олишдек умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган областимиз чорвадорлари чорва молларни қишдан семиз ва бақувват чиқариш, мўл-кўл чорва маҳсулотлари етиштириш мақсадида зарур тадбирларни амалга ошираётирлар.

Бу ҳақда редакциямизга кўплаб хат ва хабарлар келмоқда. Бўстонлиқ районидан ўртоқ **С. Масатов** ёзади: Фрунзе номли колхозда қўлда боқилаётган 95 бош сигирнинг ҳозир 45 таси бузоқлади ва улардан 14 минг 750 литрдан кўпроқ сут соғиб олинди. «Қизил ту» колхозида ҳам мавжуд сигирнинг 47 таси бузоқлади ва улардан кўплаб сут соғиб олинмоқда. Қ. Шагаева, Р. Қурбонова каби илғор сут соғувчилар ҳам ана шундай муваффақиятларга эришмоқдалар.

Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг чорвадорлари, — деб ёзади **Б. Сувонов**, — ҳар бир сигирдан камида 2800 литрдан сут соғиб олиш ва ҳар бир она чўчқадан 15-17 тадан бола олиш учун курашаётирлар.

Колхозда ўтган йили 86 бош соғин сигир бор эди. Бу йил уларнинг сони 105 бошга етказилди. Илғор сут соғувчилардан А. Долгонова, Д. Лазарева кабилар ўз устларига оширилган мажбурият олиб астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Сирдарё районидан **А. Кучаров Қ. Тойлоқов**, ховослик **С. Абдурахмонов**, чиноз**лик С. Алиев, Т. Махкамов**, Октябрь районидан **Т. Жўраб**оев, Оржоникидзе районидан **М. Содиқов** ўртоқлар ўз хатларида сўнгги йилларда колхозларда кўплаб силос тайёрланаётгани сигирлардан кўп сут соғиб олишга, умуман чорва молларнинг қишдан семиз ва бақувват бўлиб чиқишига имкон бераётганлиги, чорвадорларнинг ўз вазифаларини севиб сидқидиллик билан астойдил меҳнат қилаётганликлари ҳақида ёзадилар.

Аммо чорва қишловида қатор камчиликларга йўл қўяётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Оққўрғонлик **Р. Ниёзов**нинг ёзишига қараганда райондаги Ворошилов номли колхозда (ферма мудири Т. Мўлдабеков) чорва молларни қишдан семиз чиқаришга эътибор берилмаяпти, чорва туёғи сони камайиб кетмоқда. Масалан, йирик қорамоллар пландаги 320 бош ўрнига 258 бошга камайган, бултур шу кунларда «Роза», «Алунка» сигирларидан ҳар куни 17-18 литрдан сут соғиб олиқаётган эди, ҳозир эса бу сигирлардан соғиб олинаётган сут миқдори 5-6 литрдан ошмайди. Сталин номли колхозда эса ем-хашак танқислиги сезилмоқда. Мавжуд хашаклар ҳам молларга қирқилмай солинади. Чўчқабоқар Печелевскийнинг масъулиятсизлиги туфайли 10 бош 3 ойлик чўчқа боласи нобуд бўлди. Моллар кўпинча қаровсиз қолдирилади. Ўз вақтида сугорилмайди, аммо ферма мудири Ғ. Турғунбоев ҳамон бу ишга бепарволик билан қарамоқда. «Озод» колхозида ҳам айни шундай аҳволни кўриш мумкин.

Колхоз раҳбарлари бундай кўнгилсиз аҳволга хотима беришлари, областимизнинг илғор чорвадорлари сингари чорва маҳсулотлари етиштиришни кескин ошириш учун ҳозирдан курашни қизитиб юборишлари керак.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Сайловчиларнинг депутатликка кўрсатилган кандидатлар билан учрашувлари

Тарихий 16 март куни — СССР Олий Совети сайловига саноқли кунлар қолди. Республиканинг шаҳар ва қишлоқларида ҳамма ерда сайловолди йиғилишлари бўлиб ўтаётир. Бу йиғилишларда сайловчилар депутатликка кўрсатилган кандидатлар билан учрашмоқдалар. Бу йиғилишлар совет кишилари мустаҳкам бирлигининг, уларнинг мамлакатни ленинча йўл билан коммунизм сари ишонч билан олиб бораётган Коммунистик партия тезарагига маҳкам жипслашганликларининг ёрқин намойишига айланмоқда.

Тошкентдаги 141-мактаб биносига Тошкент — Киров шаҳар сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари тўпландилар. Бу округдан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Нуриддин Акрамович Муҳитдинов Миллатлар Совети депутатлигига кандидат қилиб овозга қўйилади. Бу ерга Тошкент—Октябрь сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари ҳам келди. Бу округда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Фахмитдин Хўжаев Иттифоқ Совети депутатлигига кандидат қилиб рўйхатга олинган.

Ишончли вакиллар депутатликка кўрсатилган кандидатларнинг таржимаи ҳоли билан сайловчиларни батафсил таништирдилар, уларни коммунистлар билан партиясизлар блокининг муносиб вакиллари деб характерладилар. Сайловчилардан Тўхтахўжава, Родин, Исломов ва бошқа ўртоқлар сўзладилар. Улар мазкур сайлов округлари территориясида яшовчи меҳнаткашлар сайлов кунида Н. А. Муҳитдинов ва Ф. Хўжаев ўртоқлар учун аҳиллик билан ўз овозларини берадилар ва бу билан социалистик Ватанимизнинг янада равнақ топиши учун, коммунистик қурилишда янги галаларга эришиш учун овоз берган бўладилар, деб ишонч билдирдилар. Сайловчилар ўз сўзларида депутатликка кўрсатилган кандидатларга топшириладиган наказларга таклифлар киритдилар. Улар совет муассасаларининг фаолиятини янада яхшилаш зарурлигини, республика пойтахтини, жумладан Тошкент шаҳар Октябрь районини ободонлаш ишларини кучайтириш зарурлигини кўрсатдилар.

Тўпланганлар Иттифоқ Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилган Ф. Хўжаевнинг сўзини диққат билан тингладилар. У ўзига кўрсатилган ишонч учун миннатдорчилик билдириб, Тошкентда меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, уй-жой қурилиши суръатини тезлаштириш, шаҳар хўжалигини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида гапирди.

Янгийўл театри биносига бир мингдан ортиқ шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари тўпланди. Бу ерда Тошкент қишлоқ сайлов округи сайловчиларининг сайловолди йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда меҳнаткашлар мазкур округдан Иттифоқ Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилган Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Сирож Нуриддинов билан учрашдилар.

Ишончли вакил—Янгийўл район партия комитетининг секретари А. Ильин ўз сўзида йиғилганларга депутатликка кандидатнинг меҳнат ва жамоат фаолияти тўғрисида гапириб берди. Нотиқ сиёсий активлик ғоят ошиб кетганлиги ҳақида батафсил гапирди. Саноат корхоналари ишчилари, пахтакорлар ва механизаторлар ўртасида мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига бўладиган сайловга тайёргарлик даврида сиёсий активлик жуда ошиб кетди. У сайловчиларни коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг кандидати ўртоқ С. Нуриддинов учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Сайловчилардан Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи А. Ҳакимов, Янгийўлдаги биринчи ёғ заводининг директори Р. Тошпўлатов, ғишт заводининг ишчиси С. Шабаров, шаҳар касалхонасининг врачи Б. Бойматов, Сталин номли қишлоқ хўжалик артели партия бюросининг секретари Ф. Мадалиев ва бошқалар бирин-кетин сўзга чиқдилар.

Округ меҳнаткашларининг вакиллари ўз сўзларида саноат корхоналарининг коллективлари, колхозлар, совхозлар ва машина-трактор станциялари томонидан сайлов кунини муносиб кутиб олиш учун бўлаётган социалистик мусобақада янги ютуқларга эришилганлиги тўғрисида гапирдилар. Бир қанча завод ва фабрикалар икки ойлик программани муддатидан олдин бажарди. Янгийўл районининг колхозларида кўклам экин кампаниясига тайёргарлик кучайди. Районда энг йирик бўлган Ленин номидаги, Карл Маркс номидаги, Сталин номидаги колхозлар ва бошқа колхозлар ерларни ўтган йилдагига нисбатан анча илгари шудгор қилдилар, қишлоқ хўжалик асбобларини ремонтдан чиқардилар, далага минерал ва маҳаллий ўғитларни ташиб чиқардилар, ҳозир эса участкаларни тўла суръат билан текисламоқдалар. Бир қанча колхозларда беда экила бошланди.

Сўзга чиққанларнинг ҳаммаси сайловчиларни сайлов кунида депутатликка муносиб кандидат С. Нуриддинов учун ўз овозларини беришга чақирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари депутатликка кўрсатилган кандидатнинг сўзини қизғин кутиб олдилар. Ўртоқ Нуриддинов ўз нутқида кўрсатилган юксак ишонч учун сайловчиларга миннатдорчилик билдирди. У пахтакорларнинг яқинда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши тўғрисида гапириб берди, бу кенгашнинг совет пахтачилигини янада юксалтиришда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Ўртоқ Нуриддинов айтдики, Тошкент областининг меҳнаткашлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг пахта ҳосилини ошириш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўпайтириш учун олиб бораётган курашига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

(ЎЗТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда қатнашган мингдан ортиқ хотин-қиз меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ўртоқ **Қ. М. Маҳкамов**анинг «КПСС XX съезди қарорларини амалга оширишда хотин-қизларнинг иштироки ҳақида»ги докладини қизиқиш билан тингладилар.

— Сиз билан биз, — дейди Ўртоқ Маҳкамова, — ажойиб даврда — социализм ғоялари ғалаба қилган даврда яшамоқдамиз. Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган иш эндиликда дунёдаги кўпчилик халқларнинг жонажон иши бўлиб қолди.

Совет ҳокимияти барпо этилгандан буён ўтган 40 йил мобайнида мамлакатимиз хотин-қизлари шонли йўлни босиб ўтдилар. Хотин-қизлар ҳаётида юз берган ажойиб ўзгаришлар, айниқса Шарқдаги Совет республикалари, шу жумладан Ўзбекистон хотин-қизлари тақдирида ёркин намоён бўлди. Революциягача ўзбек хотин-қизлари айниқса кўп хори-зор қилинар эди. Эндиликда улар барча совет хотин-қизлари сингари ўз тараққиётининг ҳеч қачон кўрилмаган юксак босқичига кўтарилдилар.

Ўртоқ Маҳкамова мамлакатимизда, республикамизда ва областимизда эришилган муваффақиятлар ҳақида гапирар экан, бу соҳада хотин-қизлар нақадар катта роль ўйнаётганликларини таъкидлаб кўрсатди.

Хотин-қизлар саноат корхоналарида, қурилишларда ва транспортда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Фақат бизнинг областимизда 100 мингга яқин хотин-қиз ишламоқда.

Савдо, тайёрлаш, моддий-техника таъминоти ва маҳсулотни реализация қилиш соҳасида ишловчи кодимларнинг қарийб ярми хотин-қизлардир. Шунингдек умумий овқатланиш муассасаларида ишлаётган кишиларнинг 70 процентга яқинини ҳам хотин-қизлар ташкил қилади.

Минглаб хотин-қизлар ишлаб чиқаришнинг илғорлари ва новаторлари сифатида танилган.

Докладчи партия, касаба союз ва совет ташкилотлари томонидан хотин-қиз кадрларни тарбиялаш соҳасида амалга оширилган катта тадбирларни қайд қилиш билан бирга бу соҳадаги қатор жиддий камчиликларни ҳам таъкидлаб кўрсатди.

Кўпчилик корхоналарда ишлаётган ўзбек хотин-қизларининг сони ҳозирча жуда оз. Хотин-қизлар қурилиш ва транспортга кам жалб этилмоқда.

Ўзбек қизларини махсус ўқув юртларида тайёрлаш соҳасида жиддий камчиликлар бор. Айрим партия ва касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришдаги, айниқса корхоналарда ишлаётган хотин-қизларнинг, хусусан ўзбек хотин-қизларининг малакасини ва техника маълумотини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилмаётирлар.

Болалар муассасалари шоҳобчаларининг камлиги хотин-қизларни ишлаб чиқаришга жалб этишга тўсқинлик қилмоқда.

Бир қатор корхоналарнинг, маҳаллий Советларнинг, Совнархозларнинг раҳбарлари болалар муассасалари қуриш ҳақида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар. Болалар муассасалари жуда секин ва кам қурилмоқда.

Шундан сўнг докладчи хотин-қизларни, айниқса маҳаллий миллат хотин-қизларини саноатга жалб қилиш юзасидан катта ва жиддий иш қилиш лозимлиги ҳақида гапиради. Хотин-қизлар учун курс, техминимум тўгаракларининг кенг тармоғини барпо этиш, уларни махсус олий ва ўрта ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида ўқишга кенг жалб этиш, ҳар бир корхонада хотин-қизлар учун зарур маданий-маиший шароитлар яратилишига эришиш лозим.

Хотин-қизлар илм олиш ва ишлаш учун кўпроқ вақт ажрата олиш имкониятига эга бўлишларини назарда тутиб, умумий овқатланиш муассасаларининг ишини жиддий равишда яхшилаш зарур.

Хотин-қизлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида катта куч ҳисобланадилар.

Кўпчилик хотин-қизлар колхоз ишлаб чиқаришининг талантли ташкилотчиларидирлар. Областимиз қишлоқ хўжалигининг Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланган илғорлари орасида қарийб 7 минг хотин-қиз бор. 22 колхозчи хотин-қизга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

Пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши ишида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари бўлган кўпгина хотин-қизлар ҳам иштирок этдилар. Улар орасида жумладан, Сирдарё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Назира Йўлдошева ҳам бор эди. Ўртоқ Йўлдошева талантли раҳбар. У раҳбарлик қилаётган колхоз 1957 йили ҳар гектар ердан 42,5 центнердан пахта топширди. Кейинги беш йил мобайнида бу хўжаликда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига қарийб 12 центнер, хўжаликдан олинаётган даромад эса уч баравардан кўпроқ ошди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозга Ўртоқ Рихси Йўлдошева раислик қилади. Колхоз ўтган йили давлат пахта тайёрлаш планини районда биринчи бўлиб бажарди ва 1160 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 25,5 центнер ўрнига 27,5 центнердан ҳосил йиғиб олди.

Ўртоқ Саруханова директорлик қилаётган «Назарбек» совхозида кўклам экиш кампаниясига намунали тайёрлик кўрилмоқда.

Областда ўзларининг моҳирликлари билан фақат бизнигина эмас, балки чет эллардаги дўстларимизни ҳам қойил қолдираётган кўпгина хотин-қизлар бор. Ана шу хотин-қизларнинг меҳнати, ҳаёти ҳақида поэмалар, роман ва повестлар ёзиш мумкин. Афсуски ёзувчиларимиз ва журналистларимиз хотин-қизлар ҳақида жуда оз нарса ёзмоқдалар.

Тўхта Абдуллаева, Мубарак Йўлдошева, Анна Дмитриевна Палюнина каби уста пахтакорлар, Саодат Ғулаҳмедова, Соҳиба Ғуломхонова, Зарифа Убайдуллаева, Рихси Аҳмедова ва Тошбуви Хакимова каби чевар теримчилар билан областимиз, республикамиз, бутун мамлакатимиз фахрланади.

Колхозларимизда чорвачиликнинг ажойиб усталари бор. Калинин районидаги Сталин номли колхознинг сут соғувчиси Ўртоқ Ҳикоят Абдуллаева ўтган йили ўзига бириктириб қўйилган 12 бош сигирнинг ҳар биридан 5173, шу райондаги Ворошилов номли колхознинг сут соғувчиси Ўртоқ Бўриниса Исҳоқова эса ўзига бириктириб қўйилган 14 бош сигирнинг ҳар биридан 4993 килограммдан сут соғиб олди. Фотима Яҳёева, Умри Аҳмедова, Раймахон Эшонқулова, Пак Мен Сун каби илғор сут соғувчилар ва чорвачиликда ишлаётган бошқа кўпгина хотин-қизлар ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Хотин-қизлар пиллачиликни ривожлантириш соҳасида катта иш қилмоқдалар.

Область кишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида, — дейди сўнгра докладчи, — бу йил масъулиятли вазифалар турибди: мамлакатга 475 минг тонна пахта, 120 минг тонна луб экинлари маҳсулоти, 900 тонна пилла, 100 минг тонна картошка, 220 минг тонна сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти етказиб бериш, ҳар бир соғин сигирдан олинадиган сутнинг миқдорини 1760 килограммга етказиш лозим. Яқин йиллар ичида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг миқёси янада каттадир. 1965 йилга бориб республикада етиштириладиган пахтанинг миқдорини 4 миллион тоннага, областда эса 700-800 минг тоннага етказиш лозимлигини айтишнинг ўзи кифоя қилади.

Пахтачилик соҳасидаги бу улуғвор вазифалар ҳосилдорликни ошириш, шунингдек янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига ҳал қилиниши зарур.

Пахтакорларнинг яқинда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши пахтачиликни янада ривожлантириш перспективалари ва йўлларини белгилаб берди. Бу, кенгашда қабул қилинган мажбуриятда ўз ифодасини топган. Унда пахта етиштириш ишини комплекс механизациялаш лозимлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилади. Бу тадбир партиямизнинг кишилар, шу жумладан биз хотин-қизлар ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг янги намунасидир. Ғўза ва бошқа барча қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилишни тўла механизациялаш юзасидан барча зарур чораларни кўрмоқ лозим.

Хотин-қизлардан механизатор кадрлар тайёрлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш, хотин-қиз колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини қишлоқ хўжалик машиналарини бошқариш ва агротехника асосларини эгаллаб олиш юзасидан турли курсларда ўқитишни ҳозирданоқ бошлаб юбормоқ керак.

Шўбҳа йўқки, қишлоқнинг меҳнаткаш хотин-қизлари Кремлда берилган ваъданинг устидан чиқиш учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар.

Ўтмишда хўрланган ва ҳуқуқдан маҳрум этилган Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳозирги вақтда эркаклар билан бир қаторда давлатни бошқаришда иштирок этаётганликлари ленинча миллий сиёсатнинг ғалабасидан далолат беради. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари орасида 172 хотин-қиз бор, Тошкент областида шаҳар, район ижроия комитетларининг, қишлоқ ва посёлка Советларининг раислари, раис ўринбосарлари ва секретарлари вазифасида 70 хотин-қиз ишламоқда. 2941 хотин-қиз маҳаллий Советларнинг депутатидир. Ўзбекистон хотин-қизларининг 16 энг яхши вакили СССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб рўйхатга олинди.

Бутун мамлакатдаги каби Ўзбекистонда ҳам чин маъноси билан маданий революция амалга оширилди. Ўзбек халқининг қоронғилик ва жоҳилликда яшаган даври аллақачон ўтиб кетди.

Ҳозирги вақтда биргина Тошкент областининг ўзида 1120 мактаб бўлиб, унда 329 минг бола, шу жумладан 117 мингдан ортиқ маҳаллий миллат қизлари ўқимоқда.

Революциягача бутун бошлиқ Туркистонда битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди. Ҳозирги вақтда фақат бизнинг областимизда 19 олий ўқув юрти, 45 техникум ва махсус ўрта ўқув юрти мавжуд. Уларда 57 минг студент, шу жумладан 4700 қиз ўқимоқда.

Кўпчилик олий маълумотли хотин-қизлар врач, ўқитувчи, химик, ирригатор, агроном, инженер ва қурувчи бўлиб ишламоқдалар. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда хотин-қизлардан 16 фан доктори ва 400 фан кандидати бор.

Талантли ўзбек халқи орасидан Ҳалима Носирова, Сора Эшонтўраева, Мукаррама Тургунбоева, Зайнаб Садриева, Замира Ҳидоятова, Галия Измаилова, Икрома Болтаева, Ҳалида Хўжаева, Зулфия ва бошқа шулар каби адабиёт ҳамда санъатнинг ажойиб усталари етишиб чиқди. Биз республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилар Юсупова, Йўлдошева, Муслимова, Исмоиловалар каби кўпгина талантли педагоглар билан фахрланамиз.

Фақат бизнинг областимизнинг ўзидагина 706 хотин-қизга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, ўқитувчи, агроном, ирригатор деган фахрий унвон берилган.

Янги типдаги мактаб — мактаб-интернатлар ташкил қилиниши давлатимизнинг хотин-қизлар ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг янги намунасидир. Шу йилдан бошлаб 1-2 синфларнинг ўқувчилари, 1959 йилдан бошлаб эса 1-7 синфларнинг барча ўқувчилари давлат ҳисобидан бепул бериладиган ўқув қуроллари билан таъминлана бошлайди.

— Биз, — дейди докладчи, — халқ маорифи ва маданият соҳасида катта ютуқларга эришдик. Аммо, бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. Биз ўзбек қизларининг ўқишни ташлаб кетишларига бефарқ муносабатда бўла олмаймиз. Ўтган йили ўқишни ташлаб кетган 6500 ўқувчининг ярмидан кўпини маҳаллий миллат қизлари ташкил қилади. Бундан 10 йил муқаддам Мирзачўл районида мактабларнинг биринчи синфига 536 ўзбек қизи қабул қилинган эди. Ана шу қизлардан атиги 38 киши 7 синфни ва 12 киши 10 синфни тамомлади.

Бу каби фактларни областнинг Оққўрғон, Бекобод, Янгийўл, Чиноз, Ўрта Чирчиқ районлари ва бошқа бир қатор районларда ҳам учратиш мумкин.

Ҳамма ўзбек қизларининг маълумот олишлари ҳақида ғамхўрлик қилиш барча жамоат ташкилотларининг диққат марказида турмоғи лозим.

Биз Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда умумий етти йиллик таълимни амалга ошириш тўғрисида» 1957 йил 1 октябрда чиқарган фармонининг ҳамма жойда оғишмай амалга оширилиши учун бутун кучимизни сафарбар этишимиз керак.

Хотин-қизлар ўртасида маданий-оқартув ишлари ниҳоятда қониқарсиз олиб борилмоқда. Область маданият бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Киргизбоев фақат амалга оширилган «тадбирлар»нинг сони билан қаноатланиб, ана шу тадбирларнинг мазмуни, қай даражада ўтказилганлиги билан қизиқмади. Кинотеатрларда, клубларда хотин-қизлар кам бўлаётирлар.

Биз маданий-оқартув муассасаларининг ишини яхшилашимиз лозим.

Партия ва ҳукумат она ва болаларнинг ҳаётини сақлаш ҳақида катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Ҳомиладорлик даврида ва туққандан кейин бериладиган отпусканинг муддати бирмунча узайтирилди, оналар учун махсус орден ва медаллар таъсис этилган, уларга болалари учун нафақа тўланмоқда.

1958 йилнинг 1 январигача Тошкент области бўйича 34 минг 842 кўп болали она орден ва медаллар билан мукофотланди, шу жумладан 220 онага «Қаҳрамон она» деган фахрий унвон берилди. Кўп болали оналарга 46 миллион 750 минг сўм нафақа тўланди.

Шундан сўнг докладчи ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга тўхталади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганича хотин-қизларнинг, айниқса ўзбек хотин-қизларининг ишлаб чиқаришга етарли жалб қилинмаётганлигининг сабабларидан бири болалар муассасалари тармоғининг камлигидадир. Жумладан, Тоштрамда хотин-қиз ишчилар ўз болаларини ясли ва болалар боғчасига жойлаштира олмаётганликлари сабабли кадрларнинг қўнимсизлиги юз бермоқда. Тошкентдаги, Чирчиқ ва бошқа шаҳарлардаги бир қатор корхоналарда ҳам ана шу каби ҳолни кўрамиз.

Совхозлардаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Бир қатор совхозларнинг директорлари ва область совхозлар трестининг бошлиғи Ўртоқ Иброҳимовнинг масъулиятсизлик билан қараётганликлари туфайли янгидан ташкил қилинган совхозларда болалар муассасаларини вужудга келтириш юзасидан қизғин иш олиб борилмаётир. Ваҳоланки бунинг учун маблағ ажратилган.

Область колхозларида ҳам болалар муассасаларининг аҳволи яхши эмас. Кўпчилик колхозларнинг раҳбарлари оналарга ўз болаларини тарбиялаш учун қулай имкониятлар яратиб бериш лозимлигини унутиб қўймоқдалар. Болалар муассасаларининг ишини яхшилаш ўз зиммаларига юклатилган мароф ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимлари камчиликларни қайд қилиш билан қаноатланмоқдалар.

Болалар муассасалари, туғруқхоналарнинг кенг тармоғини вужудга келтириш, мактаб-интернатларнинг сонини кўпайтириш муҳим вазифалардан биридир.

Хотин-қизларнинг рўзғордаги меҳнатини енгиллаштириш юзасидан жуда кўп иш қилиниши керак. Районлар ҳақида гапирмаганда ҳам Тошкентда ва областдаги бошқа шаҳарларда маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг — яхши ошхоналар, кир ювиш хоналари ва бошқаларнинг сони ҳали жуда кам.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг фаолиятини ҳар тарафлама кучайтириш ва такомиллаштириш керак, холодилниклар, кир ювиш машиналари ва газ плиталаридан тортиб то картошка тозалайдиган асбобларнинг кенг ассортиментини тайёрлаш ва сотиш лозим.

Хотин-қизларни фойдали жамоат ишига жалб этиш, уларни ўқитиш соҳасида хотин-қизлар советлари катта роль ўйнайдилар. Хотин-қизлар советларининг фаолиятини ҳар тарафлама активлаштирмоқ керак. Уларга партия ва совет органлари, жамоатчилик кун сайин ёрдам кўрсатишлари лозим.

Хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлишга қарши курашни кучайтириш лозим. Ўтган йили Ховос районида мактаб ёшидаги 6 қиз эрга берилди, уларга ўқишни ташлаб кетдилар. Бу жинояткорона ишнинг айбдорлари эса жазоланмасдан қолдилар. Эскилик қолдиқларидан ҳалос бўлмаган кишиларга жамоатчиликнинг таъсирини кучайтириш, омма ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришни яхши йўлга қўйиш зарур.

Шундан сўнг докладчи Ўзбекистон хотин-қизларининг тинчлик ишига қўшган ҳиссалари ҳақида гапиради.

Шўбҳа йўқки, дейди ўз сўзининг охирида Ўртоқ Маҳкамова, совет хотин-қизлари, шу жумладан Тошкент областининг хотин-қизлари барча совет халқи билан биргаликда бундан кейин ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съезднинг тарихий қарорларини амалга ошириш учун ҳормай-толмай курашадилар, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан социалистик Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлайдилар, бутун куч-ғайратларини коммунистик қурилиш ишига сарфлайдилар.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бошланади. Биринчи бўлиб Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Жўраева** сўз олади.

— Районимизда, — дейди нотиқ, — бутун коллективи хотин-қизлардан иборат корхоналар бор. Сталин номли, «Шарқ гули» артелларида 2 минга яқин хотин-қиз ишламоқда. Уларнинг кўпчилиги ўзбек хотин-қизларидир.

Район хотин-қизлари ёш авлодни тарбиялаш, мактаб ва бошқа ўқув юртларида ўқув-тарбия ишларини тубдан яхшилаш, меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлаш ишида актив қатнашмоқдалар. Улар орасида кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган Ҳабиба Юсупова, Чаман Усмонова, Шўлатой Хўжаева каби кўпгина Ўртоқлар бор.

Ўртоқ Жўраева эришилган муваффақиятларни кўрсатиш билан бир қаторда камчиликларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Районда ҳануз хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш фактлари юз бермоқда. Балоғатга етмаган қизларни эрга бериш ҳоллари ҳам учрайди. Паранжи ёпиниш, ўзбек қизларининг мактабдан кетиб қолиши каби ярамас ҳоллар ҳам содир бўлмоқда.

Хотин-қизларнинг маиший аҳволини яхшилаш юзасидан кўп иш қилиш керак. Бундан уч йил илгари районда ҳаммом-кир ювиш комбинати қурилиши ҳақидаги хабарни эшитиб, хотин-қизлар жуда қувонган эдилар. Афсуски комбинат ҳалигача қурилгани йўқ ва у қачон қурилиши маълум эмас.

Хотин-қизлар, айниқса ўзбек хотин-қизлари раҳбарлик ишларига кам кўтарилмоқда. Партия ташкилотлари ҳали бу масала билан етарли шуғулланаётганлари йўқ, улар хотин-қиз кадрларнинг маданий-техника савиясини ошириш ҳақида, хотин-қизларга унумли меҳнат қилиш учун зарур шароитлар яратиб бериш ҳақида дуруст ғамхўрлик қилмаётирлар.

Йиғилиш қатнашчилари Калинин районидаги Сталин номли колхознинг атоқли сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ **Ҳикоят Абдуллаева**нинг сўзини катта эътибор билан тингладилар. Аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисидаги партиянинг чақиригига ва ватанпарвар аёл ўтган йили ҳар бир соғин сигирдан 5175 килограммдан сут соғиб олиб, амалий жавоб берди.

— Ҳар бир районда, ҳар бир колхозда, — дейди у, — сигирлардан соғиб олинаётган сутнинг миқдорини ана шу хилда кўпайтириш мумкин. Фермаларда меҳнатсевар, жонкуяр хотин-қизларни кутишмоқда. Атрофга бир назар ташласангиз жонажон партиямиз бизо ўзбек хотин-қизларига новаторликнинг қандай кенг йўлини очиб берганлигини кўрасиз. Бизнинг ота-оналаримиз нимани кўрган эдилар? Улар бойларнинг қўлида батрак бўлиб ишлар, оч-ялангоч кун кечирар эдилар. Бизга эса партия, халқ: ўқинг, тажриба ўрганинг, колхозларнинг бойлигини кўпайтиринг ва биз бунинг учун сизга катта раҳмат айтамиз, демоқда.

Ўртоқ Абдуллаева чорвачиликни ривожлантиришга етарли эътибор бермаётганликлари учун айрим партия ташкилотлари ва колхоз раҳбарларини танқид қилди. У қишлоқдаги раҳбар хотин-қизлар олдига жиддий талаблар қўйди. Уларнинг айримлари кибрланиб кетганлар, фермаларда, яйловларда, оддий колхозчилар орасида бўлмайдилар.

— Бу йил, — дейди Ўртоқ Абдуллаева, — ўз зиммамга ҳар бир сигирдан 5500 литрдан сут соғиб олиш мажбуриятини оламан ва Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг сут соғувчиларини социалистик мусобақага чақираман.

Куйбишев номли колхоз раиси Ўртоқ **Рихси Йўлдошева** чақириқни қабул қилар экан, йиғилиш қатнашчиларини колхоз хотин-қизлари Ўртоқ Абдуллаевадан кейинда қолмаслик учун бутун кучлари билан ҳаракат қиладилар, деб ишонтирди.

«Ўзбексельмаш» заводи хотин-қизлар советининг раиси Ўртоқ **Полонская** қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқаришда қатнашаётган хотин-қизларнинг шонли меҳнати ҳақида гапирди. Шу билан бир қаторда у ишчи хотин-қизларнинг маданий-маиший эҳтиёжлари тўла қондирилмаётганлигини кўрсатди. Ишчи оналарнинг бир қисми ўз болаларини боғча ёки яслига жойлаштира олмаганликлари сабабли хотиржам бўлиб меҳнат қилолмаяптилар. Завод ҳузуридаги мактаб ёшигача бўлган болалар муассасасини кенгайтириш керак.

— Ҳар бир хотин-қиз, — дейди Ўртоқ Полонская, — ҳусндор бўлишни, чиройли кийинишни хоҳлайди. Мамлакатнинг маданий марказларидан бири бўлган Тошкентдагилар чиройли ва арзон кийим-бош ҳамда пойафзал ишлаб чиқаришни ҳали ўрганганлари йўқ.

Республикада хизмат кўрсатган врач Ўртоқ **Аюпова** ўз сўзини область меҳнаткашларига, айниқса хотин-қизларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш масаласига бағишлади. Жумладан у, Қуйи Чирчиқ районида бу соҳада мавжуд бўлган камчиликларни кўрсатди.

— Ҳозирги вақтгача, — дейди Ўртоқ Аюпова, — Қуйи Чирчиқ районининг марказида типовой болалар яслилари йўқ. Колхозлардаги фельдшерлик-акушерлик пунктлари тор, нотоза биноларда жойлашган. Районда ташкил этилаётган янги совхозларда касалхоналар, болалар муассасалари қуриш назарда тутилмаган. Ваҳоланки давлат бу ишга катта маблағ ажратмоқда. Партия ва совет ташкилотлари ана шу имкониятлардан фойдаланишлари, хотин-қизлар ва болаларнинг эҳтиёжлари ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари керак.

Тошкент области билан мусобақадош бўлган Андижон области делегациясининг раҳбари, область молия бўлимининг мудири Ўртоқ **Мусаева** сўз олади.

Ўртоқ Мусаева область пахтакорлари ўтган йили давлатга 450 минг тонна «оқ олтин»ни топширганликлари, ҳар бир гектар ердан ўрта ҳисобда 28,5 центнердан ҳосил олганликлари ҳақида гапиради. 18 райондан 16 таси, 4 совхоздан 3 таси, 194 колхоздан 160 таси олинган мажбуриятни ошириб бажарди. 49 колхозда гектаридан 30 центнердан 35 центнергача, 21 колхозда эса 35 центнердан 40 центнергача ҳосил олинди. Пахтачиликни ривожлантиришда эришилган ана шу катта муваффақиятлар учун яқинда область Ленин ордени билан мукофотланди. Бу ютуқларни қўлга киритишда хотин-қизлар катта роль ўйнадилар. Москва районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Ўртоқ Эъзозхон Исроилова 13 йилдан буён катта, кўп тармоқли хўжаликка раҳбарлик қилиб келмоқда. Колхозда юқори ҳосил етиштиришни таъминлаганлиги учун Ўртоқ Исроиловага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Олтин қўл районидаги Тельман номли колхознинг раиси Ўртоқ Маҳрамхон Йўлдошеванинг номи бутун республикага танилган. Ўтган йили колхозда ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Областда орден ва медаллар билан мукофотланганлар орасида 744 хотин-қиз бор.

Пахтакорларнинг яқинда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида андижонликлар бу йил пахтадан янада юқори ҳосил олиш, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини ўтган йилдагига нисбатан 1,5-2 центнер ошириш ҳақида партиямиз Марказий Комитетига ваъда бердилар.

Бетончилар бригадасининг бошлиғи (Оҳангарон шаҳри) Ўртоқ **Резникова**га сўз берилади.

— Шаҳримиз, — дейди Ўртоқ Резникова, — кенгаймоқда ва унда кўплаб капитал ҳамда уй-жой бинолари қурилмоқда. Партия ва ҳукуматнинг чақириғи билан Катта Оҳангарон қурилишига келган кўпгина хотин-қизлар шаҳарга муҳаббат қўйдилар, янги касбларни эгаладилар, бир неча мутахассисликни ўрганиб олдилар. Мен бир йил ичида мотористлик ва бетончилик касбларини ўрганиб олдим. Хотин-қизлардан иборат қурувчилар бригадалари эркаклар билан бир қаторда смена нормаларини 140-150 процентга етказиб бажармоқдалар.

Кончилар ва қурувчилар шаҳри бўлган Олмалиқда кўпсонли хотин-қизлар меҳнат қилмоқдалар. Шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ **М. Николаева** янги социалистик шаҳар қандай ўсаётганлиги ва кўркам тус олаётганлиги, тоғлардаги бойликларни ўзлаштириш ва қазиб чиқаришда хотин-қизлар қандай иштирок этаётганликлари ҳақида гапириб берди.

Республика халқ артисти Ўртоқ **Болтаева** сўз олади. У Ўзбекистонда санъат, фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаётганлиги ҳақида, партия ва халқ ўзбек хотин-қизларига ўзларининг талант ва ижодий кучларини гуллаб-яшнатиш имкониятини бериб, уларни қай даражада юксакликка кўтарганлиги ҳақида гапирди.

— Ҳамза номли театрнинг коллективи, — дейди нотиқ, — кўп сонли ажойиб спектакларни саҳнага қўймоқда. Москваликлар ва бизнинг ҳиндистонлик ҳамда жазоирлик қимматли меҳмонларимиз ҳинд ва Жазоир драматургларининг театр томонидан кўрсатилган «Ганг дарёсининг қизи» ва «Жазоир менинг ватаним» пьесаларига юксак баҳо бердилар. Театр коллективи Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига «Йўлчи юлдуз» пьесасини саҳнага қўйди. Унда ҳар биримизга қимматли бўлган улуғ Ленининг образи яратилган.

Ўртоқ Болтаева Ўзбекистон драматурглари хотин-қизларнинг саноат ва қишлоқ хўжалигидаги қаҳрамонона меҳнатини акс эттирувчи асарларни кам яратаётганликларини кўрсатди.

Республиканинг кекса медицина арбоби Ольга Николаевна **Павлова** йиғилиш қатнашчиларига қизғин салом ва қимматли маслаҳатлар берди.

Тожикистон ССР Ленинобод области хотин-қизларининг делегацияси номидан йиғилиш қатнашчиларини Ленинобод область партия комитетининг секретари Ўртоқ **Раҳимова** табриклади. У область меҳнаткашларининг пахтачилик, чорвачилик ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида кўлга киритган муваффақиятлари ҳақида гапириб берди.

Ленинобод области — Тожикистон ССРнинг йирик саноат районидир. Область пахтадан юқори ҳосил етиштириш билан ҳам шуҳрат қозонган.

— Сизнинг йиғилишингизда кўрсатилган камчиликлар, — дейди Ўртоқ Раҳимова, — бизда ҳам мавжуддир. Ҳуқуқсизлик ва қоронғилликнинг символи бўлган паранжи Ленинободда, шунингдек Тошкентда айрим хотин-қизлар томонида ҳали ҳам ёпинилаётганлигининг сабаби хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларнинг савияси паст эканлигининг натижасидир. Келинглар, биргалашиб паранжи ёпинишни бутунлай тугатишга эришайлик. Бунинг учун фақат хотин-қизлар ўртасидагина эмас, балки эскилик қолдиқларидан халос бўлмаган ва хотин-қизларни паранжи ёпинишга мажбур этувчи эркаклар орасида ҳам тушунтириш ишлари олиб бориш керак.

— Совет журналистлари қаторида, — дейди «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг адабий ходими Ўртоқ **Усмонова**, — кўпгина ўзбек хотин-қизлари ҳам бор. Партиянинг жанговар ёрдамчиси бўлган большевистик матбуотда ишлаш бизга катта маънавий озуқа бермоқда. Бошқа касбдаги хотин-қизлар каби журналист, полиграфист бўлган аёллар ҳам онадирлар. Аммо, ҳатто ўнлаб газета ва журналларни бирлаштирувчи бизнинг йирик нашриётимизда болалар муассасалари йўқ. Тошкент шаҳрининг партия ва совет ташкилотлари матбуотда ишловчи қизларнинг ҳаёти ва маиший аҳволи билан кам қизиқмоқдалар.

Ўртоқ Усмонова йиғилиш қатнашчиларини газеталарга кўпроқ ёзишга, ўз тажрибалари билан Ўртоқлашишга, камчиликларни дадил очиб ташлашга чақирди.

Йиғилиш қатнашчилари Жанубий Қозоғистон области хотин-қизлари делегациясининг вакили, Ильичев район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Калимбетова**нинг сўзини эътибор билан тингладилар.

— Совет конституциясининг қуёши остида, — дейди Ўртоқ Калимбетова, совет шарқининг хотин-қизлари — қозоқлар, ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар бахтли ҳаёт кечириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Совет Қозоғистони халқ хўжалигини ривожлантиришда кўпгина ютуқларга эришди. Биз кўриқ ерларни ўзлаштириш соҳасидаги муваффақиятлар тақдирланиб, республикамиз Ленин ордени билан мукофотланганлиги учун фахрланамиз. Яна биз Совет ҳокимияти йиллари мобайнида республикамизда Қарағанда, Балқаш, Жезказган, Экибастуз ва бошқа кўпгина саноат марказлари барпо этилганлиги билан ҳам фахрланамиз.

Қозоқ хотин-қизлари халқ хўжалигининг барча соҳаларида актив иштирок қилмоқдалар.

Залдагилар Ўзбекистон пахтакорларининг тажрибасини ўрганаётган Болгария ёшлари номидан йиғилиш қатнашчиларини табриклаган Станка **Желева**нинг сўзини гулдурос қарсаклар билан қарши олдилар.

Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **С. Н. Нуриддинов** нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчиларини Тошкент шаҳрининг пионерлари табриклаётирлар.

Йиғилишда қабул қилинган резолюцияда КПСС Марказий Комитети шу ҳақда ишонтирилдики, областнинг меҳнаткаш хотин-қизлари КПСС XX съезднинг қарорларини ва пахтакорларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида қабул қилинган мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ўз кучларини аямайдилар.

Офтобхон ХОЛБОТИРОВА.

Салом келтирдим

Салом, сизга озод шарқнинг кўрар кўзлари,
Чевар, чаққон қуралай кўз бахт юлдузлари.
Аҳди маҳкам, олий ҳиммат Тошкент қизлари,
Андижонлик ой юзлардан салом келтирдим.
Опа-сингил дўстларимни ўпиб, қучай деб,
Йўлларига қучоқ-қучоқ гуллар сочай деб,
Олмалар суҳбатида дилим очай деб,
Қумрихондек донгдорлардан салом келтирдим.
Истиқболи қуёш каби порлоқ жувонлар,
Бир боқишда мафтун этган гўзал жононлар,
Қуйлаганда дилга ором бахш этган жонлар,
Ўт юракли шунқорлардан салом келтирдим.
Булутларни қувиб сузар осмондаги ой,
Меҳнатингиз бахш этибди сизга гулчирой,
Пахта, пилла, нефть каби ҳосилларга бой,
Андижонлик ой қизлардан салом келтирдим.
Олтинга кон Олтиноқўлнинг азиз тупроғи,
Оромижон Асаканинг меваси-боғи,
Меҳмон бўлиб боринг дўстлар бизга ёз чоғи,
Меҳмондўст халқ, жонларимдан салом келтирдим.

Андижон, март.

Тошкент. 1 март куни Свердлов номли концерт залида республика хотин-қизлари съезди олдидан Тошкент шаҳар ва область хотин-қизларининг йиғилиши бўлиб ўтди. **Суратда:** йиғилиш қатнашчиларидан бир группаси: (чапдан ўнгга) Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг раиси **Р. Йўлдошева**, Ўрта Чирчиқ районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи **К. Ҳасанова**, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати профессор **О. Н. Павлова** ва Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли колхознинг бригадири **Н. Аҳатова** ўртоқлар.

М. Турсунхўжаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА СОЮЗИ РЕСПУБЛИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кеча икки кун давом этган маданият ходимлари касаба союзи иккинчи республика конференцияси ўз ишини тамомлади. Конференция республика комитети ва ревизия комиссиясининг ҳисоботлари юзасидан республика комитети президиумининг раиси А. М. Васильеванинг ва ревизия комиссиясининг раиси Н. М. Соломин ўртоқларнинг ҳисоботларини эшитди ва кенг муҳокама қилди. Конференцияда Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари С. Муҳамедов «Москвада бўладиган ўзбек санъати ва адабиёти декадасита тайёргарлик кўришда маданият ходимларининг вазифалари» ҳақида доклад қилди. Шундан кейин конференция ташкилий масалаларни кўришга ўтди.

Маданият ходимлари касаба союзи ҳисобот даврида социалистик мусобақага раҳбарликни кучайтирди, техника прогресси билан янада яқинроқ шуғулланди, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчи ва хизматчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда илғорлар тажрибасини оммалаштириш, ихтирочилик таклифларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун кураш маданият касаба союзининг эътибор марказида бўлди.

Докладчи ва ҳисобот докладни муҳокама қилишда сўзга чиққан делегатлар қўлга киритилган ютуқлар билан биргаликда йўл қўйилиб келинган камчиликлар ҳақида гапириб республика комитети ва маданият министрлиги ишидаги камчиликларни танқид қилдилар.

Конференцияда маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси ўртоқ Б. С. Ржанов иштирок этди.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Маданият ходимлари касаба союзи республика комитетининг биринчи ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленум президиум составини 9 кишидан иборат ва А. Иброҳимовни республика комитетининг раиси қилиб, Л. Г. Ароновни республика комитетининг секретари қилиб сайлади.

«ВЕЧЕРНИЙ НОВОСИБИРСК» ГАЗЕТАСИНИНГ БИРИНЧИ СОНИ ЧИКДИ

НОВОСИБИРСК, 1 март. (ТАСС). Бугун «Вечерний Новосибирск» номли янги газетанинг биринчи сони чиқди. Газета ҳафтада олти марта чиқади.

Янги район газетаси

Шу йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон КП Оржоникидзе район комитети ва район ижроия комитетининг органи «Коммунизм тонги» газетаси чиқа бошлади. Газетанинг биринчи сони маҳаллий материаллар билан тўлиб чиққан.

Хрушчев номли колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ М. Юсупов «Кўкламги экишга пухта тайёрланамиз» деган мақоласида колхоз аъзоларининг сайловолди мусобақасида актив қатнашиб чигит экишга пухта ҳозирлик кўрилаётгани ҳақида ёзади.

Газетада СССР Олий Совети депутатлигига кандидати кўрсатилган Чирчиқ электрохимия комбинатининг смена инженери Гавҳар Ҳайдарованинг ўз сайловчилари билан учрашганлиги ҳақида ҳам материал босилган. Бундан ташқари газетада Индонезия Республикасининг Президенти Сукарнонинг «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси ўртоқ Абдужамил Матқобилов номига юборган телеграммаси ҳам босилиб чиққан.

Пландан ташқари 4 экскаватор



Суратда: кундалик топшириқни 150-170 процентдан бажараётган илғор токарь **Светлана Зелик** иш устида.

Б. Имомов фотоси.

Тошкентдаги экскаватор заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари шу кунларда сайловолди меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Завод коллективи меҳнат унумдорлигини ўтган йилдагига нисбатан бирмунча ошириш, маҳсулот таннархини кескин камайтириш ҳамда халқ хўжалигига сифатли экскаваторлар тайёрлаб бериш мажбуриятини олган. Улар мажбуриятни бажариш учун ғайрат билан ишлаб, январь ойи топшириғини муддатидан олдин бажардилар ва пландан ташқари 4 экскаватор ишлаб чиқардилар. Февраль ойи 15 кунлик топшириғи ҳам ортиғи билан бажарилди. Механика цехининг ишчилари машҳур Донец шахтёри Николай Мамайнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, смена нормаларини системали равишда ошириб бажармоқдалар. Бу цехнинг Коваленко, Селенко ва Гусев каби илғор ишчилари бир-бирлари билан мусобақалашиб, смена топшириғини 200-250 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Т. АЛИМОВ.

Пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши экранда

Мамлакатимиз кинотеатрлари экранларига «Бу куннинг янгиликлари» киножурналининг 8-сони чиқди. Бу фильмни Москвадаги Қизил Байроқ орденли Марказий ҳужжатли фильмлар киностудияси режиссёр В. Касанян раҳбарлигида суратга олган.

Журналнинг дастлабки сатрларида Ўзбекистон пахта далалари кўрсатилган. Кейин Москва кўчалари, Кремль саройлари тасвирланади. Бу ерда Ўрта Осиё ва Закавказьедаги пахта экувчи республикаларнинг энг илғор вакиллари тўпланган. Тамошабинлар мўл ҳосил усталарини Катта Кремль Саройида кўрадилар. КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. С. Хрушчевнинг нутқини эшитадилар ва бошқа қизиқарли кадрларни тамоша қиладилар.

Киножурналда халқ кандидатларининг ўз сайловчилари билан учрашувлари. Тожикистон қишлоқларидаги ҳаёт, энг кучли чанғичиларнинг мусобақалари. Москвада француз скрипкачиси Мишель Оклернинг концерти каби қизиқарли воқиалар ҳам бор.

Л. АПАРНИКОВ.

Мирзачўлда дарахт кўчатлари ўтқазиш

Шу кунларда «Главголодностепстрой»ни н г кўкламзорлаштириш ва дарахт ўтқазиш бошқармаси коллективи Янгиер шаҳрида баҳоргги дарахт ўтқазиш ва кўкламзорлаштирмиш ишларини қизитиб юборди.

Ҳозир Янгиернинг кўчаларига юзлаб 12-15 ёшли қайрағоч, ясен, мингдан ортиқ терак, клен ва чинор дарахти кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек қўриқ ерлардаги хўжаликларда ҳам кўплаб соя берувчи дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда. «Дружба», «Фарҳод» ва Булганин номли совхозлар шулар жумласидандир. Бу йил баҳорда Янгиер шаҳри ва янги совхоз поселкаларида ҳаммаси бўлиб 50 минг тупдан ортиқ хилма-хил дарахт кўчатлари ўтқазиш планлаштирилди.

Е. ГОДОВИКОВ.

Паркда баҳор тараддуди

Сталин номли маданият ва истироҳат паркининг ишчи ва хизматчилари бу йилги мавсумга тайёргарлик ишларини барвақт бошлаб юборадилар.

Шу кунларда паркда иш қизғин. Паркка кирган киши бу ерга баҳор жуда эрта келибди, деб ўйлайди.

Парк гулчилари 1958 йил баҳорида ўтказилиши лозим бўлган кўчатларни мўлжалдагидан ортиқроқ ўтқазмоқдалар. 3 минг туп бута кўчати ўрнига 4 минг туп, хушманзарали дарахт кўчатларидан ҳам 4 мингга яқини ўтқазиб қўйилди. Бу дарахтлар ичида йил бўйи баргини тўкмай турадиган америка дарахти—магония, ҳиндистон бамбуги, чинор ва бошқа турли хил дарахтлар бор.

Шунингдек, паркнинг парнигида ҳам бу йил ҳар йилдагидан кўп хилма-хил хушбўй гул кўчатлари етиштирилди. Шу кунларда парк ичида гул кўчатларини ўтқазиш учун жой тайёрланмоқда.

М. СОЛИХОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Паспорт режимига қатъий риоя қилинсин

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети шаҳарда паспорт режимини мустаҳкамлаш ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Шаҳар Советининг ижроия комитети шаҳар милиция органлари паспорт режимини бузувчиларга қарши курашни бўш олиб бораётганликларини таъкидлаб кўрсатди. Кўпгина уй бошқарувчилари, ётоқхоналарнинг комендантлари уй дафтарига ёзилмаган гражданларнинг шаҳарга яшашига йўл қўймоқдалар, айрим ҳолларда эса уларга уй дафтарига ёзилиш имкониятини яратувчи қалбаки справкалар бермоқдалар. Корхона ва муассасаларнинг айрим раҳбарлари уй дафтарига ёзилмаган кишиларни ишга қабул қилаётирлар, четдан ишчи кучи ёлламоқдалар.

Шаҳар Советининг ижроия комитети шаҳарда паспорт режимини мустаҳкамлашга қаратилган қарор қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ Тошкент шаҳрига янгидан келган кишиларни уй дафтарига ёзиш тақиқланади. Бунда, эр-хотинлардан бирини иккинчиси яшаб турган уйнинг меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган ёки қариб қолган ота-оналарни ўз фарзандлари яшаб турган уйнинг, балоғатга етмаган болаларни ўз ота-оналари яшаб турган уйнинг дафтарига ёзиш мустасно қилинади. Шунингдек Совет Армияси сафида хизмат қилиш учун Тошкент шаҳридан чақирилган ҳамда демобилизация қилинган кишилар ҳам шу ҳисобга киради.

Бундан сўнг шаҳарга янгидан келган гражданларни уй дафтарига ёзиш масаласини шаҳар милиция бошқармаси ҳал қилади. Уй дафтарига ёзганда турар-жойда ҳар бир киши учун 9 квадрат метр, студентларнинг ётоқхоналарида 6 квадрат метр ва ишчиларнинг ётоқхоналарида 4,5 квадрат метр жой бўлиши ҳақидаги санитария нормасига қатъий риоя қилиш керак.

Ишлаб чиқариш ва муассасаларда, ертўлаларда яшаш учун яроқсиз бўлган бошқа биноларда, шунингдек бузилиши назарда тутилган ва аварияли деб ҳисобланган уйларда яшаш учун уй дафтарига ёзиш тақиқланади.

Бундан ташқари, қуйидаги кишиларни уй дафтарига ёзиш тақиқланади: якка кишилар учун очилган ётоқхоналарда яшовчи кишиларнинг оила аъзоларини, ижарага ўтирувчи кишиларникига келганларни; шаҳарга янгидан келган уй хизматкорларини васийликка олингани ҳақида ижроия комитетининг қарори бўлмагани ҳолда васий ва ҳомий кишилар учун белгиланган турар-жойларда; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1956 йил 27 августдаги қароридан кейин Ўзбошимчалик билан плансиз равишда қурилган уйларда яшовчиларни; шахсга қарайдиган уйларга янгидан келган кишиларни.

Янги уй-жой олган кишилар уй ордерига мувофиқ ва ана шу ордерда кўрсатилган барча кишилар эски квартирадан тўла чиқиб кетгандан кейингина уй дафтарига ёзиладилар.

Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига қуйидагилар манъ этилади: янгидан келган ва уй дафтарига ёзилмаган гражданларни ишга қабул қилиш; мазкур корхонада ишламовчи кишиларга ётоқхонадан жой бериш; Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети билан келишмасдан бошқа шаҳарликларни жалб этган ҳолда ўқитиш (курс) тадбирларини амалга ошириш; кишиларни Тошкентда ишлаш учун таклиф қилиш ёки бошқа жойлардан ташкилий равишда ишчи кучи қабул қилиш.

Район Советларининг ижроия комитетлари ва милиция органлари республиканинг пойтахтида паспорт режимини кун сайин мустаҳкамлаб боришлари, шаҳарда яшовчи, аммо фойдали-жамоат меҳнати билан шуғулланмайдиган кишиларни аниқлашлари, уларни ишга жойлашиш учун корхона ва муассасаларга юборишлари, ишлашдан қасдан бош тортувчи шахсларга нисбатан эса қонун бўйича чора кўришлари лозим.

Тошкент шаҳрида яшовчи гражданларни уй дафтарига ёзиш милиция бўлимлари томонидан олиб борилади.

Япония коммунистик партияси Марказий Комитетининг 20-пленуми

ТОКИО, 1 март. (ТАСС). «Акахата» газетасининг хабар беришича, Токиода Япония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг кенгайтирилган 20-пленуми бўлиб ўтган. Пленум Япония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Носаканинг докладини эшитган. Сўнгра бу доклад партия активи конференциясига тақдим этилди. Конференция тамом бўлгандан кейин пленум конференциядаги дискуссияни якунлаб, «Киси кабинетини ағдариш учун, демократик ҳукумат тузиш учун курашда партиянинг вазифалари тўғрисидаги резолюция»ни бир овоздан маъқуллаган.

Бугун «Акахата» газетасида эълон қилинган резолюция халқаро ва ички аҳволни анализ қилиб беради, тинчлик учун, меҳнатканларнинг турмушини яхшилаш учун курашда партия олдига вазифалар қўяди, демократик ҳукуматнинг мақсад ва вазифаларини очиб беради. Бу ҳужжатда айтилишича, демократик ҳукумат тузиш партиянинг марказий сиёсий вазифасидир. Резолюцияда Япония Коммунистик партиясининг VII съездига тайёргарлик кўришга доир масалаларга ҳам тўхталиб ўтилади.

Болгария матбуоти Н. С. Хрушчев доклади тезисларини босиб чиқарди

СОФИЯ, 1 март. (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги билдиради: Болгария газеталари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги доклад тезисларини кўзга кўринарли ўринларда йирик сарлавҳалар билан босиб чиқардилар.

Дастлабки шарҳларда таъкидлаб ўтилишича, белгиланган тадбирлар Совет мамлакатида колхоз тузумини янада ривожлантириш имкониятини туғдиради.

Ядро қуроли тақиқлансин

Атом ва водород қуролини тақиқлаш учун халқларнинг биргалашиб ҳаракат қилиш кунига бағишланган кеча

1 мартда Осиё ва Африка мамлакатларида атом ва водород қуролини тақиқлаш учун халқларнинг биргалашиб ҳаракат қилиш куни ўтказилди. Термоядро қуроли ишлаб чиқаришга ва бу қурол синовларига қарши норозилик садоси Москвада санъат ходимлари Марказий уйи минбаридан жаранглаб эшитилди. Пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари, олимлар, маданият арбоблари, тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг, Осиё мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг ва бошқа оммавий жамоат ташкилотларининг раҳбарлари шу жойга тўпландилар.

Ҳурматли меҳмонлар орасида бир қанча давлатларнинг элчихоналари вакиллари ҳам бор эди.

Кечани тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети раисининг ўринбосари З. А. Лебедева очди.

Кечада академик Н. Н. Боголюбов, ёзувчи А. В. Сафронов, Япониядаги халқаро санъат марказининг бош секретари Хирокити Хаяси, СССР халқ артисти С. В. Гиацинтова, СССР Медицина фанлари академиясининг корреспондент-аъзоси Н. Н. Блохин, Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари бирдамлиги кенгашининг доимий Секретариатидаги Совет вакили Ғофур Абдурашидов, митрополит Крутицкий ва Коломенский Николай, Кениянинг Қохира конференциясидаги делегати Д. Ж. К. Амбидхи нутқ сўзладилар.

Кеча қатнашчилари бир овоздан қабул қилган резолюцияда бундай дейилади:

Биз, Москва жамоатчилигининг вакиллари—атом ва водород қуролини тақиқлаш учун халқларнинг биргаликда ҳаракат қилиш кунига бағишланган йиғилишнинг қатнашчилари атом уруши хавфига қарши, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун кураш олиб бориш қатъий қарор берганлигимизни билдирамиз.

Биз, Совет ҳукуматининг атом ва водород қуролини тақиқлашга ва бу қурол синовларини тўхтатишга қаратилган олижаноб тадбирларини тамомила қўллаб-қувватлаймиз. Совет Иттифоқи атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатишга тайёр эканлигини билдирганлиги сабабли, эндиликда бутун гап Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британияда қолган. Биз, ана шу давлатларнинг ҳукуматларини ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан инсоният манфаатларини кўзлаб илгари сурилган таклифга қўшилишга чақирамиз ва бу билан ана шу ялпи қирғин қуролининг хавфли синовларига хотима беришга даъват этамиз.

Биз шунга аминмизки, дунё халқлари биргаликда ҳаракат қиляб атом ва водород қуроли синовларини тўхтатишга ва бу қуролларни тамомила тақиқлашга эришиб оладилар. Бу эса, умумий тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Кеча қатнашчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Даг Хаммаршельдга қуйидаги телеграммани юбордилар:

«Биз, бугунги йиғилиш қатнашчилари Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Қоҳира конференциясининг қарорига мувофиқ, атом ва водород қуролини тақиқлаш учун халқларнинг биргаликда ҳаракат қилиш кунини ўтказиб, Москва жамоатчилиги ва барча совет кишилари номидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаат қиламиз ва уни бутун инсониятни ғоят ҳаяжонлантираётган атом ҳамда водород қуролини тақиқлаш проблемасини дарҳол ҳал этиш учун ўзининг бутун нуфузидан фойдаланишга даъват этамиз. Совет кишилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ядро қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш учун ва ана шу ялпи қирғин қуролини сўзсиз тақиқлаш тўғрисида бир битимга келиш учун ҳамма чораларни кўришга даъват этадилар. Ядро қуроли синовларини тўхтатиш қуролсизланишга доир бутун проблемани ҳал этишда олға қараб қўйилган катта қадам бўлур эди, давлатлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатлик ўрнатишга ёрдам берган бўлур эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш учун мумкин бўлган ҳамма чорани кўради, деб ишонч билдирамиз». (ТАСС).

Лейпцигда Халқаро баҳор ярмаркаси очилди

ЛЕЙПЦИГ, 2 март. (ТАСС). Министрлар Совети раисининг ўринбосари ҳамда ташқи ва ички герман савдоси министри Г. Рау кеча Лейпцигда бўлган тантанали мажлисда 1958 йилги Халқаро баҳор ярмаркасининг расмий равишда очилишини эълон қилди. Бу ярмарка Лейпцигда 2 мартдан 11 мартгача давом этади.

Тантанали мажлисда Германия Бирлашган социалистик партиясининг ва Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг раҳбарлари В. Ульбрихт, Г. Матерн, Ф. Эберт, Германия Демократик Республикаси министрлари, шунингдек жаҳондаги кўп мамлакатлардан Лейпцигга келган ҳукумат делегацияларининг аъзолари, савдо ташкилотларининг, фирмалар ва корхоналарнинг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Ҳозир бўлганлар орасида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Н. Косигин бошчилигида Совет ҳукумат делегацияси аъзолари, шунингдек СССР нинг Германия Демократик Республикасидаги ишончли вакили С. Т. Аставин ҳам бор эдилар.

Г. Рау ўз нутқида Лейпциг ярмаркасининг халқаро аҳамияти ўсиб бораётганлигини таъкидлади ҳамда бу йил ярмарка очилишига қарийб 80 мамлакатдан меҳмонлар келганлигини айтди.

Ў халқаро аҳвол масалаларига тўхталиб, Совет ҳукуматининг юксак доирада кенгаш ўтказиш тўғрисидаги таклифларини бутун дунёдаги халқ оммаси қўллаб-қувватлаётганлигини айтди, чунки, деди у, бу таклифлар барча софдил кишиларнинг тинчлик ва бахт-саодат йўлидаги интилишларига тўла жавоб беради.

Г. Рау ўз нутқининг анча қисмини Германия Демократик Республикасининг ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш масаласига бағишлаб, шу билан бирга Германия Демократик Республикаси билан социалистик лагерь мамлакатлари ўртасида товар оборот тобора кўпаяётганлигини таъкидлади.

ЛЕЙПЦИГ, 2 март. (ТАСС). Бугун бу ерда 1958 йилги Халқаро баҳор ярмаркасининг техника виставкаси очилди.

Виставкада жаҳондаги 43 мамлакатни 9.600 дан ортиқ ташқи савдо ташкилотлари, иқтисодий бирлашмалари ва фирмаларининг маҳсулоти кенг равишда кўрсатилган. Бу йил ярмаркада Яман, Ироқ ва Испания биринчи марта қатнашмоқда.

Ўтган йиллардаги каби бу йил ҳам Совет Иттифоқи павильонига келувчилар айниқса кўп. Бу ерда ҳар хил саноат машина-ускуналарининг нусхалари — автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналари, энг хилма-хил станоклар ва ускуналар, электротехника буюмлари ва бошқа маҳсулотлар бор.

Хитой Халқ Республикаси виставкаларининг катта қатнашчисидир. Хитой Халқ Республикаси павильонининг экспонатлари Хитой саноатининг тез тараққий этаётганлигини исботлайди.

Чехословакия, Венгрия, Польша ва бошқа халқ демократияси мамлакатларининг виставкадаги экспонатлари бу мамлакатлар экономикасининг муттасил юксалиб бораётганидан далолат беради.

Ярмаркада бу йил қатнашаётган 34 капиталистик мамлакат саноат фирмаларининг буюмларини кўрсатишга ярмаркада анча ўрин берилган.

Ер иккинчи сунъий йўлдошининг ҳаракати тўғрисида

Иккинчи сунъий йўлдош 3 март эрталаб соат олтига қадар Ер атрофини 1721 марта айланиб чиқди. Ҳаво очиқ бўлганда иккинчи йўлдошни қуёш чиқиши олдидан шимолий кенгликнинг 57 градусидан 65 градусигача ҳамда қуёш ботгандан кейин жанубий кенгликнинг 25 градусидан 49 градусигача оддий кўз билан кўриш мумкин. (ТАСС).

Чет эл адабиёти давлат кутубхонасида

Чет эл адабиёти Бутуниттифоқ давлат кутубхонасида шарқий адабиёт устида ишлашни ташкил қилишга бағишланиб, илмий кенгашнинг кенгайтирилган мажлиси ўтказилди. Мажлисда пойтахт шарқшунослар жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари қатнашдилар.

Кейинги йилларда Совет Иттифоқининг Шарқ мамлакатлари билан маданий алоқалари кучайганлиги шунингдек совет кишиларининг бу мамлакатлардаги халқлар тарихини, экономикаси ва маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ўсаётганлиги сабабли Шарқ адабиётига талаб анча ўсди. Шу муносабат билан кутубхонада чет эл Шарқи махсус бўлими ва ўқиш зали ташкил этилди.

1956-57 йиллар мобайнидагина кутубхона фондига Хитой, Корея, Вьетнам, Мўғулистон, Ҳиндистон, Япония, Эрондан ва Осиёдаги бошқа кўпгина мамлакатлардан шарқ тилларида 18 минг китоб келди. Шу вақт ичида кутубхонага европа тилида босилган ва шарқшуносликка доир бўлган 2 минг китоб ҳам келди.

Китобхонларга чет эл шарқ адабиётининг янгиликлари тўғрисида ахборот бериш учун кутубхона аннотация қилинган махсус карточкалар ва ҳар хил рўйхатлар чиқаради. «Рус тилига таржима қилинган хитой бадиий адабиёти библиографияси», «Калидаса», «Сабоҳиддин Али», «Симадзаки-Тосон» деган био-библиографик рўйхатлар босилиб чиқди. Пекиндаги давлат кутубхонаси билан биргаликда «Хитой-Совет дўстлиги» деган библиографик рўйхат босмага тайёрланмоқда. Тез орада «Рабиндранат Тагор», «Мао Дунь», «Амин Райхони», «Содиқ Хидоят», «Нацумэ Сосэки» био-библиографик рўйхатлар босилиб чиқади.

Телевизор экранида

4 мартда

19.30. Бадиий ҳаваскорлар концерти.
20.00 Киножурнал.
20.10 Ўзбек тилида «СССР Олий Совети сайлови шарафига» деган эшиттириш.
20.20. Ўзбек тилида сайловчиларнинг талабларига мувофиқ концерт.
21.20. Ҳужжатли фильм—«Мисрда».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5 мартда

катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фотима Боруҳова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**, VI Жаҳон фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Мирза Тоиров**, солистлардан **Адиба Мирзаева, Берта Давидова, Ғафур Иногомов, Тоштемир Шарипов**, филармониянинг халқ чолғу асбоблари оркестри қатнашади. Оркестрнинг бадиий раҳбари — **Саид Алиев**.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 3 дан сотилади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

4, 5, 6 мартда

катта концертлар

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Гавҳар Раҳимова, Муҳамаджон Мирзаев**, солистлардан **Муҳаббат Мусаева, Жуманазар Бекжонов, Зокиржон Султонов, Розия Қурбонова** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

РЕСПУБЛИКА КИНОУСТАНОВКАЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

Янги хроникаль-ҳужжатли, илмий-оммабоп ва ўқув фильмлари чиқарди

МАНЗАРАЛИ ФИЛЬМЛАР:

Узоқ шимолда.
Бизнинг Молдова.
Мирний чироқлари.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ БЎЙИЧА:

Чанғида сакраш.
Сув полоси (ўйин техникаси).
Калинин — Ленинград — Калинин.

ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК ФИЛЬМЛАР:

Биз Сормоводан.
Шу кунларнинг шуҳрати сўнмас.
Октябрь байроғи остида.
Октябрь нури.
Христо Ботев.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА:

Эрта пишар картошка.
Бодринг ва помидор етиштириш.
Маккажўхорининг гибрид уруғларини етиштириш.

ЕР СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Йўлдош планета устида.

СОЦИАЛИСТИК САНОАТ, ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР, ЯНГИ ТЕХНИКА ҲАҚИДАГИ ФИЛЬМЛАР:

Сибирь металлургиясининг тўнғичи.
Энергетикада автоматика ва телемеханика.
«Фан ва техника» журнали. 1957 йилда чиқарилган 20, 21, 22, 23-сонлари.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ҲАҚИДА ФИЛЬМЛАР:

Украинанинг передвижник рассомлари.
Совет Татаристони санъати.
Фотография санъати.
Қадимги ёдгорликлар.

Собир Раҳимов кўчаси, Муваффақият проезди, 2-тупик, 16-уйда турувчи **Боқи Муротовнинг** Киев кўчаси, Чили тупик, 6-уйда турувчи Маъмура Саъдуллаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район 7-участка халқ судида кўрилади.

Завкомовская кўча, 17-уйда турувчи **Василий Никитович Медведевнинг** Еттисув кўча, 10-б уйда турувчи Ирина Викторовна Медведевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8-участка халқ судида кўрилади.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/III да **Бой ила хизматчи**, 5/III да **Ганг дарёсининг қизи**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/III да **Фарҳод ва Ширин**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 5/III дан **«Бизда меҳмонда»** (янги программа). **Ван Зе-вей** раҳбарлигидаги **хитой группаси** (хитой халқ санъати) ва бошқа номерлар. Билетлар сотилмоқда.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун янги кенг экранли рангдор фильм **Осмонимиз битта.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Қашшоқ маъшуқлар қиссаси**, кундуз соат 4 да **Ёш гвардия** (1-серия).

Тошкент иқтисодий маъмурий районининг Халқ хўжалиги кенгаши Кенгаш аъзоси, Совнархоз Энергетика хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Ҳ. Ҳамидовга унинг қизи

Зулфия ҲАМИДОВАНИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ташэнерго» бошқармаси коллективи, партия ва касаба союз ташкилотлари «Ташэнерго» бошқармасининг бошлиғи А. Ҳ. Ҳамидовга унинг қизи

ЗУЛФИЯ ҲАМИДОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали: Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими—136. Маданият бўлими—132. Адабиёт ва санъат бўлими—29040. Қишлоқ хўжалик бўлими —135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 115,50, Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 02666. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-420.